

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ  
ГУЛНОЗА ОДИЛОВА



НАВОБАХШ  
БАЙТЛАР  
ЖОЗИБАСИ

811.111/С 60

111.111

С 60 | 2020/45-113  
Сироткин Сергей Ш.  
Навобатин бағина  
неоқибати

2020/45-113

1

**Шухрат Сирожиддинов**  
**Гулноза Одилова**

**НАВОБАХШ**  
**БАЙТЛАР**  
**ЖОЗИБАСИ**



**Тошкент**  
**2017**

УДК: 811.512.154

КВК 83.3(5Ў)

С – 98

Сирожиддинов, Шухрат

Навобахш байтлар жозибаси: рисола. / Тошкент, "BAYOZ",  
2017. – 96 бет.

### Масъул муҳаррир:

**Б. Тухлиев** – филология фанлари доктори, профессор.

### Тақризчилар:

**А. Эркин** – филология фанлари доктори.

**З. Абдурашидов** – филология фанлари номзоди.


Рисола ўзбек мумтоз шеърятидан инглиз тилига таржима билан шуғулланувчи таржимонлар, таржимашунос тадқиқотчилар, таржима назарияси ва амалиёти мутахассислиги бўйича таҳсил олувчи магистр ва бакалаврларга мулжалланган бўлиб, ўзбек мумтоз адабиётидан инглиз тилига таржима қилишда ўзига хос йўриқ вазифасини ўтайди. Унда мумтоз ғазалларнинг ботиний маъносини таржимада бериш, образли ифодалар адекватлиги, оҳанг ва бадий санъатларни таржимада қайта яратиш муаммолари ҳақида сўз боради.

Рисола Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Илмий кенгашида (26.01.2017 йил қарор № 6) муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

УДК: 811.512.154

КВК 83.3(5Ў)

ISBN 978-9943-4644-7-6



© «BAYOZ», 2017.

© Ш.Сирожиддинов, 2017.

Ю46800  
291

## СУЗБОШИ ЎРНИДА

Алишер Навоий ижоди ўз давридаёқ чет элларда машхур бўлиб, туркий халқлар ҳақида гап кетганда Навоийни эсламай ўтишнинг иложи бўлмаган.

Навоий замондоши, тарихчи Хондамирнинг гувоҳлик беришича хорижий элларнинг подшоҳлари махсус чопар юбориб, Алишер Навойдан китоб сўрар эканлар. Улуғ мутафаккир бобомизнинг замондоши Давлатшоҳ Самарқандийнинг китъасида бунинг яна бир исботини кўришимиз мумкин. Бугунги даврда ҳам хорижий элларда Навоийни ўқиш ва ўрганишга қизиқиш катта. Навоий лирикаси – сеҳрли дунё. Дунё ҳикматлари, қадим фалсафаларнинг таъсирчан таълимотлари моҳияти акс этган гўзал байтларни шунчаки ўкиб ўтишнинг иложи йўқ. Байт устида бир зум тахайюл қилсангиз олам-олам завқ оласиз. Ҳазратнинг буюк мутафаккир экаплигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз.

Халкимизнинг, давлат ва буюк бобокалонимизга бўлган улкан муҳаббати туфайли истиқлол йиллари Навоийнинг барча илмий-ижодий меросини тўлиқ ўрганиб, асарларининг тўлиқ матнини тиклашга эришилди. Шоир асарларининг 10 томлик тўла асарлар тўплами чоп этилди. Инглиз, француз, немис тилларига Навоий ижодидан намуналар таржима қилиниб, нашр этилди. Тўғриси айтиш керак, таржиманинг ҳамма тил учун энг машаққатли ҳисобланган тури шеърӣ таржимадир. У жаҳон мумтоз лирикаси ихлосмандларининг дунёқарашини бойитиш, уни тушуниш сезимини шакллантириш учун хизмат қиладиган соҳа. Таржиманинг бу турига бўлган қизиқиш ошган сари унга бўлган қатъӣ талаб кучайиб боради. Навоий шеърӣятини Ғарбий Европа тилларига, хусусан, инглиз тилига бевосита таржима қилиш ишлари ҳали юксак савияда эмас. Аруз вазни инглиз халқи учун бегона оҳанг бўлгани туфайли охириги даврларгача арузда ёзилган

шеърни инглизтилли халқлар қабул қилмайди. деган қатъий фикр мавжуд эди. Натижада, Навоий шеъриятини таржима қилишга бўлган уринишлар охирига етказилмади. Амалга оширилган яккам-дуккам таржималар насрий баёнга асосланди, ғазаллар оқ шеър бўлиб, инглизча янгради.

Бугунги кунда ғарбий европалик ва америкаликларнинг Шарк ғазалиётига кизикиши тобора ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ғазалнавис инглиз шоирлари пайдо бўлди. 2000 йилда АКШ Вейслан университети томонидан чоп этилган “Ravishing disunites (Real Chazals in English)” тўпламида 160 га яқин америкалик шоирнинг инглизча ғазаллари келтирилган. Бу ҳолат ўзбек таржимонлари учун Алишер Навоий ижодиётини бадиий ғўзал тарзда инглиз китобхонига етказишга замин шаклланди деганига даъволатдир. Шунинг учун таржималарда арузий оҳангни, қофия ва бадиий санъатларни акс эттиришга жиддий ҳаракат қилишимиз, бунинг имкони бўлмаган жойларда Навоий шеърияти жозибасини саклаш йўллари ҳақида бош қотиришимиз керак. Ушбу рисола ана шу муаммоларни ечиш устида олиб борилган жиддий уринишларнинг дастлабки ҳосиласидир.

Албатта, у камчиликлардан холи эмас. Аммо ҳар ҳолда истиқболда дунё юзини кўрувчи таржималарнинг сифат даражасига ёрдам бериши шубҳасиз.

*Шухрат Сирожиддинов,  
Филология фанлари доктори, профессор.  
Адабиёт бўйича 1-даражали  
Давлат мукофоти лауреати*

## ҒАЗАЛ ТАРЖИМАСИДА ШАКЛ ВА МАЗМУН МУТАНОСИБЛИГИ

Ўзбек мумтоз шеърятининг дурдоналари бўлмиш Алишер Навоий ғазалиёти Ғарбу Шарқни бирдек мафтун этиш даражасида гўзал. Ана шу бойликни бор ранглари билан кенг хориж аудиториясига тақдим этиш таржимонларимиз олдига муайян вазифалар қўяди. Ўзбек классик назми ўзининг бадиий бугунлиги, мусикий оҳанги ва кенг фалсафий қамрови билан Ғарб китобхонларида ҳамон жиддий қизиқиш уйғотмоқда. Аммо шу пайтгача Навоий шеърятидан инглиз тилига қилинган таржималар сапоқдир. Бу йўналишдаги илк тажриба сифатида 1958 йили Москвада нашр этилган “Uzbek poetry” номли таржималар тўпламига киритилган В. Левлева ва Д.Роггенберг ишларини кўрсатиш мумкин. Унда Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан Фарҳод ва Хусрав диалог ва ҳикматли сўзларидан ташқари учта ғазал таржимаси киритилган. Кам бўлишига қарамай, шуларнинг ўзиёқ таржима савияси ҳақида умумий хулоса қилишга асос бўлади.

Алишер Навоий ғазали В.Левлева таржимасида:  
*With the fever of parting my hand is so burning I fear,  
That my healer's kind fingers it may inadvertently sear.  
Songs of love are no fountain, but destiny's hopeless lament.  
Do you hear how it weeps, how it whispers of grief in  
my ear?  
May the torrent of tears wash my eyes away in their course,  
Nights of sorrow are dark, and the sun to my sight  
is a sneer.  
Glowing sights take their flight to the darkened and  
velvety skies,  
Lightening star after star in dome of the heavenly sphere.*

*"Bear your burden in silence!" you tell me. I know  
it –alaas!  
Can a reed stay unbroken with a mountain to carry  
and steer?  
Do not trust this abode. Many wanderers did it attract,  
But they left it again, disillusioned and saddened I hear.  
Navoi sends his message, but vainly awaits a reply  
From his cruel tormentor he holds so so eternally dear*

(Сўзма-сўз таржимаси:

“Хайрлашув видолашув иссиғидан қўлим куйиб кетди  
деб кўркаман.

Бу менинг табибимнинг менга бўйсунмас  
бармоқларининг олови.

Севги куйида маъно йўқ лекин қисмагим умидсиз  
кайғули.

Эшита оласанми у қандай кўз ёш тўқмоқда, қандай  
килиб у кулоғимга кайғудан шивирламоқда.

Дарё кўз ёшлар менинг кўзларимни ювиши мумкин

Қайғу тунлари қора ва мен томондаги қуёш  
масхараомуз (яъни нур сочмайди)

Ёрқин кўринишлар қора ва қуюн осмон томонга  
ўзгарди

Осмон гумбазида юлдуз кетидан юлдуз нур сочади

“Бу ғамингни сукунатга яшир!” деганинг менга. Ох,  
мен бунни биламан.

Қамишли том, устида тоғдек юк билан ўз маромида  
тура оладими?

Бундай қулбага ишонма, у кўп сайёҳларни ўзига жалб  
қилган.

Лекин улар уни яна ихлослари қайтиб, ғамга ботиб  
ташлаб кетганлар.

Навойи нома жунатди, лекин бефойда умидворлик  
билан жавоб кутади

У умрбод севувчи жафокаш бағритошдан.”)



Ғазал байтларидаги ўзаро кофиядошлик ва оҳанг мугаржимларнинг шеър аслиятига хос жарангдан бохабар бўлганлигидан далолат беради. Аммо таржималарда радибли жумлаларнинг йўқлиги ва ғазаллар сарлавҳаси ёхуд қайси девондан олинганлиги кўрсатилмаганлиги сабабли бизда мазкур таржималарни аслият билан қиёслаш имконияти йўқ. Мазкур ғазал таржимасида Шарқона оҳангни берувчи қуйидагича кофияланишни кузатиш мумкин: *а-а; б-а; в-а; г-а; д-а; е-а; ж-а*.

Ушбу таржиманинг инглиз тилидаги жаранги Навоийга хос оҳангга эга ва бу ишда таржимоннинг машаққатлари сезилиб турибди. чунки инглиз тилида кофияси ўз ўрнига қўйилган. Аммо ғазал аслиятини кўрмай туриб, уни сўзмасўз таржима қилганда, ғазал дунёвий ишқ ҳақида эканлиги маълум бўлди. Навоий ғазалларида учровчи суфиёна қарашлар мазкур таржимани четлаб ўтган. Албатта, Навоийнинг мураккаб фалсафий характерга эга бўлган ғазалларини инглиз тилига яхлит таржима қилиш мушкул. Ишнинг зоҳирий томондан гўзал чиқиши ҳам ғазалларни инглиз тилига таржима қилишдаги илк кичик муваффақият деган эътирофга лойиқ.

2009 йилда Германиянинг Фрайе университети туркологлари ташкил этган симпозиумда Берлин, Франкфурт, Халле, Лейпциг, Лондон, Майнц, Вена шаҳарларидан ташриф буюрган шарқшунос олимлар маърузалар ўқишди. Маърузалар асосида тузилган “*Mir Alisir Nawai*” номли тўпламга тўққизта мақола киритилган<sup>1</sup>. Унда Б.К.Хайнкле, Ю.Паул, К.Шўнинг, Э.Таубе, К.Рўмер, М.Кирхнер, З.Клайнмихел, Й.Гирлихес, Ҳамид Исмоиловларнинг мақолалари билан танишиш мумкин. Тўпламдаги энг йирик мақолалардан бири З.Клайнмихелнинг “Навоий-бенаво” номли мақоласи бўлиб, унда тадқиқотчи Навоий ижоди, кундалик турмуши,

<sup>1</sup> *Mir 'Alisir Nawai*. Herausgegeben von B.Keller-Heincke and S.Kleinmichel. Eron Verlag. – Wurzburg. 2003 –P 140

Навоийнинг таҳаллуси, ғазал ёзиш қонуниятлари, шарқона ғазал оҳанги каби муаммоларни еттига фаслга бўлиб ўрганеди. Гарчи Навоий ғазалиёти немис, француз тилларида бир қадар ўрганилган бўлсада, инглиз тили бу борада бироз орқада.

Шарқ нашриётида 2000 йил чоп этилган “Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар” номли тўплам Навоий шеърятини хорижий ўлкаларга тарғиб қилишда навбатдаги қутлуғ қадам бўлди. Унда Навоий ижоди намуналари аслият ҳамда инглиз ва немис тиллардаги таржималарида берилган. Шоир ғазаллари инглизчага таржимонлар Л.Кметюк ва Қ.Маъмуровлар томонидан ўтирилган.

Ушбу тўплам Навоий шеърятини таржима қилиш ишларидаги жиддий ҳаракатнинг дебочаси сифатида эътироф этилишга лойик. Ҳеч шубҳасиз, келажақда амалга ошириладиган таржималар ушбу тажрибага ҳам суянади. Шунинг учун ҳам бу таржималар таҳлили бўлғуси таржималарнинг сифатли чиқишига доир тавсиялар ишлаб чиқишимизда илк манба сифатида муҳимдир. Маълумки, Навоий лирикасининг жозибаси шеърый матнда бадий санъатларнинг устакорлик билан ишлатилгани, шоир тасвирлаётган объект олами нечоғли муваффақиятли очиб берилганлигига боғлиқ. Бадий санъатлар ўқувчида шеърый матндан муайян эстетик завқ олишга замин яратади. Таржима адабиётлари таҳлили, хусусан, Алишер Навоий ғазалиёти таржималари устида олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Шарқ бадий санъатларини инглиз тилида қайта яратиш муаммоси шу давргача мутлақо ўрганилмаганлиги туфайли жиддий таҳлилларга муҳтож ва таржимачилик соҳаси олдидаги ҳал қилиниши лозим долзарб масаладир.

## “КИЗИЛ, СОРИҒ, ЯШИЛ” ...

Таржимон маҳорати ва таржима машаққати ҳақида таъкикли олимлар Г.Саломов, Ж.Шарипов, И.Ғафуров, М.Холбеков, Ш.Сирожиiddиновлар ўз тадқиқотларида жуда кўп ва хўп гапирганлар. Иқтибослар билан ҳажми кўнайтиришдан бироз чекиниб таҳлилга ўтсак. Юқорида тилга олинган тўнламадан ўрин олган “Кизил, сориг, яшил” рафидли ғазал матлаъси қуйидагича:

*When my beauty decks herself in red, yellow and green  
My sighs go flying like sparks of red, yellow and green*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Қачонки менинг гўзалим ўзини кизил, сарик яшилга безаса, нафасим ҳам кизил, сарик, яшил рангли учкунлар каби учади”).

Ушбу мисралар Навоийнинг:

*Хилъатин то айламан жонон қизил, сориг, яшил,  
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил<sup>2</sup>.*

байтининг таржимасидир. Сўзма-сўз таржимада аслиятдаги бадий тасвир аниқ берилган. Аммо Ғарб китобхониға байтдан завқланиш учун яна нимадир стишмайди. Уни Навоий маҳоратидан таъсирланиш ҳисси дейиш мумкин. Китобхон байт замиридаги кучли дардни идрок эта олмайди. Навоий байтларида кўплаб санъатлар қоришиқ келади. Уларни шарҳлаб кетиш Навоий маҳорати, буюклигининг тарғиби сифатида жуда долзарбдир. Юқоридаги байтга изох сифатида бир неча санъатларнинг ишлатилганлиги кўрсатиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлган бўларди. Навоий айтмоқчи, унинг маҳбубаси кизил, сарик, яшил рангли либосда кўринса, бундан ишқда

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Фавоид ул-қибар. МАТ. 20 томлик – Тошкент: Фан, 1988. Т.3. – Б. 264-265.

ўртанган ошиқнинг охи қизил, сарик ва яшил тусда осмонга бўралаб кўтарилади. Шоир охи мисоли гулхандан кўтарилаётган шуъладек. Маълумки, гулхан шуъласи турли рангларда жилоланади. Бу ерда шоир калб отапининг шундай кучли эканлигини ифодаламакдаки, ундан кўтарилган ох-фигон бамисоли гулхан устида товланаётган шуълага менгзалади. Бу ташбих санъатидир.

Шоир бугъздан нафаснинг оловланиб чиқиши шу даражада ғайритабiiийки, тасаввурга сиғмайди. Бу муболағанинг “гулув” турига мансуб. У шоир фикрини аниқ-равшан ҳис этиш имконини беради. Шундай экан, Навоий ғазали таржимаси ёнида тегишли изоҳлар берилса, шоир маҳорати, ғазал ғоясининг ўқувчи томонидаги идрок этилиши енгилланади. Изоҳлар устида ишлаш таржимон учун ўз хатоларини кўриш имконияти ҳамдир. Буни қуйидаги мисол воситасида кўрсатиш мумкин:

2-байт:

*I have cultivated the desert of love so the hot breath  
of my sighs  
Has turned the barrenness into a flowering red,  
yellow and green.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Мен ишқ саҳросини ободонлаштирдим, шундай экан, менинг қайноқ нафасимдан, яланғочлик (яъни чўл) гуллаб яшнаётган қизил, сарик, яшилга айланди”.)

Ушбу байтнинг аслияти қуйидагича:

*Гулшан этдим ишқ саҳросин самуми оҳдин,  
Ким эсар ул дашт аро ҳар он қизил, сориг, яшил.*

Бу байтда ҳам ғулув ишлатилмокда. Инглизча таржимада “Мен ишқ саҳросига ишлов бердим, шундай экан, менинг қайноқ нафасимдан яланглик гуллаб

яшнаётган қизил, сарик, яшилликка айланади” дейилиши ўқувчида Навоий байтини тескари тушулишга хизмат қилади. Аслида Навоий “Менинг оҳим шу даражада кучлики, у гармсел мисолидир. Саҳрода гармсел шундай чан-тўзон кўтарадики, унинг гирдобида қолган одам улкан чан оқимининг қуёш шуълалари таъсирида гурли рангларда жилоланишини кўради, гўё бутун саҳро назарида турли ранглар билан қоплангандек туюлади”, – демокчи бўлади. Бу ўхшатиш Навоийнинг юксак бадиий маҳоратига далилдир. Бундан ташқари, Навоий байтлари мактаъдан олдин келувчи шоҳбайтгача изчил ривожланиб боради. Таржимада ана шу изчиллик кўзга ташланмайди. Биринчи байтдаги оҳ билан иккинчи байтдаги гармселнинг боғлиқлик даражаси ифодаси, хис-ҳаяжоннинг яна бир пардага кўтарилганлиги сезилмай қолган. Таржимада байт маъноси сийқалаштирилиб: “Саҳрога ишлов бериб, уни гуллаб-яшнаган воҳага айлантирилгани” баён этилган. Самум, яъни гармсел образи бутунлай таржимада тушиб қолган. Байтда ишлатилган “гулув” санъати “таблиғ” санъатига айланиб қолган. Таблиғ эса муболағанинг энг қуйи, заиф даражаси бўлиб, ишонса бўладиган туридир. Гарчи ошиқ ишк саҳросини назарда тутган бўлса ҳам, унинг саҳрога ишлов бериши ва уни гулзорга айлантиришини тасаввур қилиш мумкин. Бундан шундай хулоса қилса бўладики, таржимон мумтоз бадиият сирлари, Шарк бадиий санъатлари борасида тегишли маълумотга эга бўлиши лозим.

3-байт:

*When I recall your grace, the mirror of your soul reflects  
As from the strained glass mosaic of my window the  
colors red, yellow and green...*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Қачонки сени ёдга олсам, қалбнинг кўзгусида акс пайдо бўладиким, деразамнинг

ойнасида таранг тортилган мозаикага ўхшаб қизил, сариқ, яшил...”)

Навоий байти оригиналда қуйидагича янграйди:

*Шишадек кўнглимдадир гулзори ҳуснинг ёдидан,  
Тобадоннинг аксидек алвон қизил, сориғ, яшил.*

Байт мазмунидан англашилишича, ошиқ машуқасининг бекиёс гузаллигига ипунчалар мафтунки, уни эслаганда тобадон, яъни ўрта асрларда Шарк ўлкаларида дераза ўрнини ўтаган туйнук шишасидан қоронгу уйга тушаётган кўёш нурлари турли рангларда жиллангани каби қалбига оқиб кираётган ҳусн тасавури ранг-баранг рангларда товланади. Шиша ва тобадон, кўнгил ва тобадон акси зоҳир бўлган макон, гулзор ва алвон – ранг-баранглик, ҳусн ва қизил, сариғ, яшил ранглар бир-бирига мутаносиб равишда “ташбиҳи малфүф” санъатини намоён этади.

Таржимадан қуйидагича маъно англашилади: “Қачонки мен сенинг ҳуснингни ёдга олсам, сенинг руҳинг акси кўринар, худди деразанинг рангли ойналаридан тушаётган қизил, сариқ ва яшил ранглар акси каби”.

Таржимон байтнинг маъносини ўз тилида тушунарли етказиб бериш мақсадида муносиб ифода шаклини танлаган. Нур ранг-баранглигини янада аниқ чизиб бериш мақсадида ғарбликлар архитектурасида маълум бўлган “мозаикали дераза”дан фойдаланади. Таржимоннинг ижодий ёндашувини маъқуллаш мумкиндир. У ҳолда байт мазмунига путур етказмасдан “кўнгил шишаси ва тобадон” мутаносиблиги адекватлигини таъминлаш ҳақида ўйлаб кўриш керак эди. Ўшанда шарқона ташбиҳ санъати инглиз тилида қайта яратилган бўлар эди.

4-байт:

*The very thought of your face, of the dark shadow above  
the lip.  
Makes the world sparkle a bright red, yellow and green.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Юзинг ҳақида кучли ҳаёлнинг ўзи – бу лабинг тенасидаги қора соя бўлиб, бутун дунёни қизил сариқ ва яшил нурга тўлдиради”.)

Аслият:

*Оразу холинг била хаттинг хаёлидан эрур,  
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.*

Ёр гўзаллиги ва ошиқ беҳаловатлиги васфи шу байт билан ниҳоясига етади. Таржима маъно ва руҳият жиҳатидан аниқ адекватлик касб этган. Байтда тилга олинган Шарқ гўзали васфининг асосий компонентлардан бири – “хат”, яъни ёр лаби устидаги “чизик” (нозик қора мўй) ни *dark shadow* сояга қиёслаб таржимон ўз тилида муносиб бадиий муқобил топа олган. Байтда тилга олинган Шарқ гўзали васфининг яна бир асосий компонентлардан бири – “хол” образи таржимада тушиб қолган. Бунинг сабаби таржимоннинг ушбу нозик тасвир объектига эътибор бермаганида ёхуд уни инглиз тилида қайта яратиш муаммо бўлганида бўлиши мумкин. 4-байтда Навоий конкрет инсоний белгиларда заминий гўзал суратини чизади. Бундан ғазал фақат зоҳирий ишқ тавсифига бағишланган деб ўйлаш юзакилик бўлади. Кейинги байтларда зоҳирий маъно билан бирга ботиний, яъни тасаввуфий талқинга имконият яратилади:

5-байт:

*Pour red wine into a golden goblet in Spring,  
For where else are combined in such a harmony  
the colours red, yellow and green.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Баҳор фаслида оч кизил рангдаги вино олтин қадахда яна каерда кизил, сарик, яшил рангларнинг бу қадар уйғунлашгани бўлиши мумкин.”)

Аслият:

*Лаългун май тутқил олтин жом бирдан сабзада  
Ким, булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.*

Турфа шуълалар ила лим тўла кўнгилнинг муроди эса ваҳдат майи. Киши ҳали ёш (сабза) экан, олтин (асл) жомда лаългун май – ҳақиқий ишк ва эътиқод шаробини ичса, не хуш? Борлиқ турфа хиллиги, сир-синоатига ошно бўлишнинг бундан яхшироқ имкони бўлурми?

Аслиятдаги *сабзада* сўзи, таржимада *in Spring* яъни баҳорда деб ўгирилган. Албатта, *сабза* сўзининг кўплаб маънолари мавжуд, у “яшиллик”, “баҳор”, “яшариш” маъноларини ҳам беради, аммо газалда ёшлик назарда тутилган. Бу сўз *in spring* тарзида келтирилганда инглиз ўқувчиси ундан мурод ёшлик эканлигини англаши учун изоҳ лозим бўлади.

Бадний санъатлар тўғрисида маълумотга эга бўлмаслик, кўп ҳолатларда, таржима маъносининг бузилишига олиб келади. Масалан:

*Факр аро беранглик душвор эрур беҳад, ва лек  
Ҳирқада тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил. –*

байти таржимасидан англашилган маъно жуда гариб:

*The poor can hardly afford clothing even of a single shade.  
Still they can easily sew into their robes stripes of red,  
yellow and green.*



(Сўзма-сўз таржимаси: “Камбагаллар ёлғиз ўзларинигина кийим билан зўрга таъминлайдилар, шунинг учун улар хирка, яъни чакмонларига кизил, сариқ ва яшил ямоқларни осонлик билан тикадилар”.)

Аслиятда “муқобала”, яъни қаршилангириш санъати қўлланган бўлиб, бу санъат бир-бирига зид тушунчалар орқали муайян ғояни таъкидлаш, таъсирчан ифодалаш мақсадида қўлланади. Таржимон “фақр”даги “беранглик” ва хиркадаги “ранг-баранглик” тушунчалари орқали ишлатилган “муқобала” санъатига эътибор бермагани учун байт маъносини жушлаштириб юборган. Натижада, таржимада навоёнча чуқур фалсафий хикматга эга бўлган шохбайт оддий мулоҳаза ва маъносиз мисраларга айланиб қолган. Фақр (фақирлик) сўфийлик мартабасидаги бир макомдир. Абдурахмон Жомий фақрни икки турга бўлади: расмий ва ҳақиқий. Расмий фақр деб мол-дунёга эга бўлмаслик ва фақир яшашга айтилади. Ҳақиқий фақр эса ҳар қанча давлати бўлса ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам мол-дунёга берилмаслик ва ниҳоятда оддий яшашга айтилади. Баъзи шайхлар халқни Ҳақ йўлига эргаштириш учун фақир суратида тарғибот ишларини олиб борганлар. Улар бой бўлсалар ҳам дунё хою ҳавасларига лоқайд қараганлар (беранглик шунга ишора). Инсон нафс исканжасидан халос бўлар экан, Илохий мохиятни чуқурроқ идрок эта бошлайди. Зоҳирдаги фақр аломати бўлмиш турли ямоқли либос ботинан фақирга айланиб қолиш далолати эмас, дейди Навоий. Бу ўринда таржимон “фақр” сўзини “poor” деб эмас “fakir” деб берса бўларди. Инглиз тилига дастлаб транслитерация қилиб келинган бу Шарқ реалияси эндиликда инглизча изоҳли луғатларда: “fakir – Moslem holy beggar<sup>3</sup>” (қаландар ёки дарвеш маъносидаги мусулмон

<sup>3</sup> Webster's New world dictionary / Simon and Schuster – USA. William Collins publishers – 1977. – P 57; <http://www.macmillandictionary.com/fakir>

муқаддас тиланчиси) тарзида учрамоқда. Демак, фақир сўзининг лексик маъноси инглиз китобхонига таниш. Таржимада **фақр** сўзининг тасаввуфий маъноси ва байтдаги мазмуни, яъни Навоийнинг ҳақиқий фақир бўлиб яшап мушкуллиги, аммо чакмондаги ранг-баранг ямоқлар орқали фақирликка даъво қилиш осон эканлигига ишора қилаётгани ва рикорликни қоралаётгани қисқа изоҳда тушунтириб кетилса, байтнинг ботиний мазмунини идрок этиш инглиз ўқувчиси учун нисбатан енгилроқ бўларди.

Еттинчи байт – мактаъ куйидагича келтирилади:

*Эй Навоий, олтин ушнгарфу зангор истама,  
Булди назминг рангини девон қизил, сариг, яшил.*

Инглизча таржимаси:

*I say, Navoiy, seek no longer for brilliant gold, scarlet  
and green colors,  
For the flowers of your poetry have tinged this divan red.  
yellow and green.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Эй Навоий олтин қизил ва яшил ранглари кидирма, сенинг шеърининг гулларидан бу девонинг кизил, сариқ ва яшилга бўялди.”)

Навоий ғазаллари таржималарини кузатар эканмиз, мутаржимлар, асосан, шоирнинг фалсафий мазмундаги ички ва ташқи бош маъноларга эътибор қаратгани ҳолда, ўзида шарқона шеърининг санъатлар жозибаси мужассам этган ғазаллар таржималарида бироз оксаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

## ШАМ ТОРИНИ ПАРИШОН ҚИЛИШ ЙЎЛИ

*Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач<sup>4</sup>.*

Шоир гўзалнинг юздаги зулфини “анбарафшон” этиши, яъни атир сениб тараши унинг хуснига хусн кўшишини таъкидламоқда. Уз сўзини кучайтириш мақсадида шамънинг “тори”, яъни ўргасидаги пиликни “паришон” қилиш, яъни титгаида янада кучлироқ шуъла таратишини мисол қилиб келтиради. Ушбу байтда таносиб санъати қўлланган. Жамъ санъати ҳам мавжуд. Жамъ - нарса ва тушунчаларни бирон белги бўйича байтда жамлаб, улар ўртасидаги муносабат асосида бирон образли фикрни ифодалаш санъатидир<sup>5</sup>. Шоир биринчи мисрада хусн ва шамъ, зулф ва торни ташқи гўзаллик белгиси сифатида жамлайди. Шоир бу рамзларни ёр гўзаллигининг тасвири учун ишлатган.

Шу байтни инглизча таржимасида кўрамиз:


*Your beauty shines brighter when your tresses fall free,  
breathing the scent of ambrosia...  
So candle burns brighter when the treads of the wick have  
been loosened.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “сенинг гўзаллигинг янада ёрқинроқ ифода топади. Шамъ ҳам ёрқинроқ ёритади, агар пиликнинг фаолияти тугатилса яъни, пилик тугаса”).

Инглизча таржимада гапнинг маъно жиҳатдан тури ўзгариб кетган. Аслиятда шоир ёрнини кўз олдига келтириб, унинг гўзаллигини мадҳ этмоқда. Аммо таржимада, *your*

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Гаройиб ус-савғар. МАТ. 20 томлик. — Тошкент: Фан, 1988. Ғ.3. — Б. 98

<sup>5</sup> А.Хўжақасимов. Шеърини санъатлар ва мумтоз қофия.— Тошкент: Шарқ, 1998. — Б.93



*beauty* - (“сенинг гўзаллигинг”) дея ёрга мурожаат этилиши ва “сен сочларингни ёйганда ва хушбўй хидлар таратиб юргангда чиройлироқ кўринардинг” деб маслаҳат берилиши, гапнинг семантик, синтактик ва услубий курилишини ўзгартириб юборган. Ёр ҳақидаги хаёл ёрга мурожаат тусини олган. Инглизча *have been loosened* ни хар хил талкин қилиш мумкин “туғатиш”, “бушатиш” “отиб ўлдириш” каби. Бу ўринда *let off the leash of wick* яъни шам пилигини тортиб қўйиш деб ўтирилса “шамъни паришон қилиш”га мос эквивалент ҳосил бўлар эди. Шамъ пилигини титиб, тўзғитганда яхшироқ ёниши билан боғлиқ ҳодиса инглиз тилига бироз нотўғри ўтирилиб, мантик бузилган. Чунки пилик тугаганда шамъ яхшироқ ёниш ўрнига ўчиб қолади. Пиликни бушатганда эмас тортиб қўйганда шамъ яхшироқ нур таратади. Таржимада биринчи ва иккинчи байтни ўзаро боғлаш учун *so* (“шундай қилиб”) ўрнида *as* (“туё; дек: дай”) ишлатилса, адекватлик сари кадам қўйилган бўлар эди. Шунингдек, ушбу байт таржимасидаги баъзи олмошлар ва сўзларга қуйидагича ўзгартириш киритилса, таржима аслиятга яқинроқ чиқарди:

*Her beauty shines brighter when her tresses fall free,  
breathing the scent of ambrosia...  
As the candle burns brighter when let off the leash of wick.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “сочларини эркин ёйиб, хушбўй хидлар таратиб юрганда унинг гўзаллиги ёркинроқ нфода топади, худди шам пилигини тортиб қўйганда яхшироқ ёнгани каби.”)

Кейинги байтни кузатамиз:

*Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айлагин;  
Е юзунга теғди қонлар бизни қурбон айлагач?*

Шоир маъшукаси жамолига хайраг ила бокиб, қурбон бўлмоқда ва бу гўзалликнинг сабаби ёр юзини гуллар билан безаганидами? Ёки ошиқ қурбон бўлаётганда ундан сачраган қонлардан қизил бўлганими, деб савол бермоқда. Шу ўринда шоир шибҳи ҳусни таълил<sup>6</sup> санъатини қўллаган. Чунки маъшуқанини юзи атрофидаги гулни қонга ўхшатган ҳолда унинг ёр чехрасига тегиш сабабини қатъий қилиб эмас, балки гумон қилиб айтади. Айни дамда бу байтда мадҳ санъатининг ўзига хос кўринишларидан бўлган “таъкид ул-мадҳ бимо яшбахуз-зам” санъати мавжуд. Ушбу санъат турида бирор айбни кўрсатиш орқали объект макталади. Юқоридаги байтда шоир ёрни жаллод қотил деб айблаш асносида унинг гўзаллигига ишора қилмоқда, уни мадҳ этмоқда. “Қурбон бўлмоқ”нинг маъноси мусулмон киши учун тушунарли. Ушбу байтда қурбонликнинг тиг билан бажариладиган маросим ва бунда қон сачрашига ишора этилмоқда. Мазкур маъно инглиз тилига таржима қилишда ҳисобга олинмагани оқибатида қўлидагича ноаниқлик келиб чиққан:

*Have you adorned your beauty with flowers for the  
sacrificial rite  
Or has your beauty been enhanced by the blood you were  
spattered with when you sacrificed us?*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Сен ўз гўзаллигингни қурбонлик маросими учун гуллар билан безатдингми, Ёки сенинг гўзаллигинг бизни қурбонлик қилгандаги қондан қучайиб кетдимми (яъни гўзаллашдимми?)”)

Аслиятда ошиқ ёрига уни кўриб қурбон бўлганлигининг сабаби сифатида гўзал юзнинг мафгункорлигини янада оширган қизил гулларга ишора

<sup>6</sup> Шубҳали чиройли сабаб А. Хожиаҳмедов. Шу мавба – Б. 28

этган бўлса, таржимада маъшуқадан қурбонлик маросими ўтказиш учун “гуллар билан безатдингми?” дея сўралади. Бундай талкин инглиз ўқувчисига “Шарқда оқпик ва маъшуқа ўртасида қандайдир қурбонлик маросими ўтказиладики, бунинг учун киз гуллар билан безатиши керак бўлади” деган фикрни пайдо қилиши эҳтимолдап холи эмас. Шу ўринда “қурбонлик” фақат ёр учун қилинади, деган тушунча ҳам юзага чиқади. Бу эса, газалдаги юксак бадийятнинг саёз талкин этилишига олиб келади. Таржимоннинг нотўғри йўлдан бориши патижасида шоир қўллаган “шибҳи ҳусни таълил” санъати таржимада учрамайди. Мазкур байтда “қурбонлик маросими” (sacrifice) жумласи ва унинг нима сабабдан байтга киритилганлиги қисқача изоҳда бериб ўтилмаса, инглиз ўқувчисига у қадар тушунарли бўлмаслиги мумкин. Биринчи мисрадаги *for the sacrificial rite* (қурбонлик маросими) жумласи *when you sacrificed us?* тарзида ўзгартирилса, Навоий қўллаган шеърини санъат таржимада қайта тикланади:

*Have you adorned your beauty with flowers when you  
sacrificed us?  
Or has your beauty been enhanced by the blood you were  
spattered with when you sacrificed us ?*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Бизни қурбон қилиб чиройингни гуллар билан безадингми, Ёки сенинг гўзаллигинг биз қурбонлик қилганда сачраган қондан кучайиб кетдими?”)

## “ҚАРО КЎЗУМ” ЖОЗИБАСИ

Хар бир таржима тил имкониятлари ва мезонлари даражасида амалга оширилади. Маънони зўрма-зўраки тарзда саклаб қолишга уриниш оҳанг, бадийят, кофиянинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Албатта, таржимоннинг мумтоз адабиётимиз дурлари саналмиш Навоий ғазаллари таржимасига қўл уриши, яъни “Навоий панжасига панжа уриши” таҳсинга лойиқ. Таржималарга назар солсангиз, мугаржим Л.Кметюк ғазалнинг умумий ғоясини бериш мақсадида ўз тилида турли эквивалентларни қидиргани ва тинимсиз изланганини сезасиз. Аммо аслият моҳиятини тўла ва мукамал тушуниб олиш билан бирга, бу моҳиятни ўқувчилар онгига сингдиришнинг қулайроқ йўллари излаши ҳам таржимон зиммасидаги бош вазифалардан биридир. Биз ўз мулоҳазаларимизни Навоийнинг машҳур “Қаро кўзум”га назар ташлаш орқали билдирмоқчимиз.

1-байт (матлаъ):

*Қаро кўзум, келу мардумтуғ эмди фан қилгил.*

*Кўзум қаросида мароум киби ватан қилгил<sup>7</sup>.*

Байтларнинг мазмунини теран тушуниш бадий санъатлари кайта яратишнинг асосий омилидир. Юкоридаги байтда зоҳирий, дунёвий моҳиятга кўра, лирик қаҳрамон висол илнжида маҳбубага илтижо қилаётир: “Қора кўзли гўзалим, келсанг-чи, мурувват ва вафо йўлини, одамийлик расмини тутсанг-чи”. Одамнинг кўз қорачиғида кўз гавҳари жойлашган бўлади, кўз мана шу гавҳар воситасидагина борлиқни кўра олади. Ана шу табиат қонунини назарда тутиб, шоир иккинчи мисрада яна илтижо қилади:

---

<sup>7</sup> Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғир. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. 13 – б. 297

“Кўзимнинг қорачиғида гавҳар каби ватан тутсанг-чи, токи мен кўзим ёришиб, олам гўзалликларидан баҳраманд бўлсам.”

Л.Кметюк шеърий нарчани инглизчага қуйидагича таржима қилган:

*Come my dark eyed one come and show your kindness,  
Weave a nest for yourself, in the depth of my pupils.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Кел, қора кўзимгим кел ва инсонийлигингни кўрсат. Кўзларимнинг қорачиғида ўзинг учун ин тўқиб ол.”)

Адабиётшунос олим Нусрат Жумахўжа “Қаро кўзум...” газалининг киёсий таҳлили” мақоласида газалининг муфассал шарҳини баён қилган. “Қаро кўзум” ундалмаси икки хил, илоҳий мазмунида Аллоҳни, дунёвий маънода эса севакли гўзал маҳбуба, ёр, дўстни англатади. *Мардум* сўзи эса машҳур икки маъносидан, ушбу байтда ҳам собит: 1) одам, одамлар, ҳалойиқ; 2) кўз қорачиғи – гавҳари (*мардумак*, *гавҳарак* шаклида ҳам қўлланади). *Мардумлуғ* – одамгарчилик, инсонийлик, мурувват, марҳамат, лутф – илтифот, раҳм – шафқат, инсонпарварлик.

*Мардум* ва *мардумлуғ* орасида шакл ва маъно муносабати асосида тажнис санъати яратилган. Мисраларнинг *қаро кўзум* ва *кўзум қаросида* бирикмалари билан бошланишида тарду акс (тере такрор) санъати мавжудки, бу эҳтиросли назмий оҳангни юзага чиқаришда муҳим эстетик хизмат ўтаган<sup>8</sup>.

Кўриб турганимиздек, иккинчи мисра таржимаси аслиятнинг тўлақонли мазмунини очиб бера олади. Газалдаги ошён, истикомат маъноларини англагувчи *ватан* сўзига маъно жиҳатдан мос эквивалент *nest* (“ин”) сўзи қўлланган, яъни “кўзларимнинг тубида ўзингга ватан, ин

<sup>8</sup>Н. Жумахўжа. Сатрлар силсиласидаги сехр – Тошкент, 1996. – Б. 21



килиб олини” маъносининг англашилиши аслиятга мувофиқ гушан. Таржимада бу мисранинг ботиний, ҳам зохирий маънолари саклаб қолинган.

Аслиятда, ошиқ Гузалдан мурувват ва вафо йўлини тутишни, одамийликни одат қилишینی сўрайди (*фан қилмоқ* – одат (касб) қилмоқ).

Ҳар иккала сўзнинг кўшиливидан юкоридаги маъно ҳосил бўлган ва бунда дунёвий жихатдан ошиқ ўз маънуқасига “энди узоқ айрилиқдан сўнг одамгарчилик килиб, вафо қилишینی сўрайди. Сўфиёна талқин этилганда эса – илғижо, жамол орзуси, яъни Аллоҳнинг лутфу эҳсони тажаллисидан умидворлик. Сўфий учун ўз нигоҳида, қорачиғида илоҳий нур жилваланиши, оламни шу муборак нур орқали кўриш олий бахт. Аммо таржимада *фан қилма* ундалмаси ўрнига *show your kindness* (олижаноблигингни кўрсат) буйруқ гапи берилган. Ваҳоланки, ошиқ ёр васлига ета олмай гиналаб, маънуқадан инсоний олижаноблик, сўфий эса Аллоҳдан ўз васлидан бенасиб қилмасликни сўрайди. Таржимон қўллаган эквивалент бунга қарама-қарши маъно касб этган. Таржимада маънуқанинг олижаноб эмаслигидан изтироб чекаётган ошиқ ва Аллоҳнинг назаридан четда қолаётган сўфий учрамайди.

Навоний байтда Шарқ бадний санъатларидан тарду акс (қаро кўзум ва кўзум қаросида), тажнис ва ишғиҳок санъатидан (*мардум* ва *мардумлиғ*) унумли фойдаланади. Таржимада шоир фойдаланган шеърий санъатлар Шарқ шеърияти учун характерли эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг таржимада учрамаслигини табиий ҳол деб баҳолаш мумкин. Аммо байтлар орасидаги қофиядошлиқнинг йўқлиги газал оҳангининг услубий жихатдан бузилишига олиб келган. Ушбу байт қуйидагича таржима қилинганда, эҳтимол, таржимада адекватлик юзага келган булар эди:

*Come my dark eyed one come and learn then kindness  
In the depth of my pupils. weave for yourself a nest*

2-байт:

*Юзунг гулига кунгил равзасин яса гулшан.  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилгил.*

Н.Жумахўжанинг кузатишлари айни биз тадқиқ этаётган мавзуга бевосита дахлдор бўлгани учун, уларга яна мурожаат этамиз: Мазкур байтда тасвир анча содда ва муайян, бироқ бу байт ҳам бир канча рамзий иборалардан таркиб топган бўлиб, уларни шарҳламасдан мазмун-моҳиятини англаб етиш қийин: 1. *Юзунг гули* - зоҳирий маъноси – “ёр чехраси”. Ботиний маъноси – “Ҳақ жамоли”. 2. *Кунгул равзаси* – кунгил боғи, инсон руҳият олами. 3. *Қадинг ниҳоли* ёрнинг ниҳолдек қадди-комати, *жон* сўзи таркибидаги (араб ёзувида) *алиф* харфи, илоҳий маъшук комати. 4. *Жон гулшани* ошиқнинг вужуди, бағри. *алиф* (1) харфининг маскани бўлмиш *жон* сўзи – манзурнинг жавлонгоҳи.

Биринчи мисра “сенинг юзинг менинг кунглим боғида гул очсин” маъносидаги висол илинжини таъкидлаб келади. Шунингдек, бу мисрада биринчи байтнинг мантикий давоми ҳам англашилиб турибди. Маълумки, кўз – кунгилнинг ойнаси. Ёр жамолига муяссар бўлган кунгил ёришади. Кўз қорачиғида макон қурган ёр жамоли чуқур томир ёзади, кунгилда аке-садо беради, кунгил боғида ишк чечаклари гуллайди, бўстонга айланади. Шунинг учун лирик қаҳрамон “Сенинг алифдек қоматинг ниҳоли менинг жони дилим боғида яшнасин ва юзинг гули бу боғни гулшанга эвирсин,” – дея илинж-илтижо изҳор этмоқда<sup>9</sup>.

<sup>9</sup> Н. Жумахўжа. Шу манба – Ъ 23.

2-байтдаги 1-мисранинг инглизча таржимаси:

*Turn the garden of my heart into a flowerbed, for the blossom that is your face.*

Таъкидлаш лозимки, мазкур мисра сўзма-сўз таржимада аниқ ифода этилган:

(“Юзингдаги гулгун яшнашингдан кўнглил боғимни гулзорга айлантир”.)

Таржимон аслиятдаги мазмунни маҳорат билан сақлаб қолган. Шу байтдаги иккинчи мисрада араб ёзувигагина хос бўлган ҳарфий санъат, ташбеҳи измор, яъни яширин<sup>10</sup> ташбеҳ қўлланган. Жон сўзи уч арабий ҳарфдан, яъни “жим”, “алиф”, “нун” дан иборат. Алиф ҳарфи жоннинг ичида (марказида) жойлашган. Бу ерда чаманинг ичида экиланг нихола ўхшатиш мавжуд:

*Қабинг нихолига жон гулшанин чаман қилгил.*

Кўриниб турибдики, бундай сўз ўйинини инглизчада бериш қийин. Инглиз тили хинд-европа оиласининг герман гуруҳига мансублиги ва ёзувнинг туркий имло қоидаларидан қускин фаркланишини ҳисобга олиб, инглиз тилида бу санъатнинг берилмаслигини таржима хатоси ҳисобламаслик мумкин. Шунинг учун бундай ҳолларда мисра шарҳининг ҳаволада берилиши мақбул ечимдир. 2-байтнинг 2-мисраси:

*And the rest your slender form so like the sapling in the garden that is my heart*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Қолган чиройингни худди кўнглим боғида ниҳол каби ростлагин.”)

---

<sup>10</sup> Ташбеҳи измор (яширин ўхшатиш). Бу ҳол ташбеҳда шоирнинг диққати бошқа нарсага қарагилгандек гуюлади-ю, ammo унинг асл мақсади ўхшатиш бўлади. Қаранг: Хожиаҳмедов А. Шеъринг санъатлар ва мумғоз кофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 20

Бу мисра грамматик жихатдан ҳам аслиятга мувофиқ, байтдаги икки мисра *and* (ва) боғловчиси билан боғланган. Гапнинг маъно жихатдан тури – буйруқ оҳангидаги ган ва бу ган таржимада ҳам ўз грамматик шаклини саклаган. Биз юкоридаги аслиятда шу мисрада танбиҳ санъати қўлланганлигини кузатдик. Алифнинг ниҳол – қадга ишора килиниши, ёрнинг жон гулшанида қаддини тик тутиши, яъни алифдек тик қадди-комати билан туриши кўзда тутилган. Инглиз тилидаги *form* сўзининг ишлатилиши бунга жуда мос келади:

*Form* сўзи асосан икки хил маънони билдиради:

- 1) от (*shape, aspect*) кўрinish, шакл, қад-қомат;
- 2) феъл (*to form*), яъни бир кўрinishга келтириш, тартибга солиш.

Мисрада *form* сўзи *in* предлоги билан берилган бу ҳолатда сўз “қаддини бирор ерда ростламок” маъносини беради. Масалан: *The troops were formed into line.*<sup>11</sup> *Солдатларни бир қизиқда ростлаиди.*

Таржимоннинг *form* сўзини қўлиши Павоий кўзда тутаётган “Қадди қоматни тик тутиб, кўнгил богида кўним топиш”ига мос тушади.

3-байтнинг, 1-мисраси:

*Таковарингга бағир қонидин хито боғла,*

*Итингга ғамзида жон ринтасин расан қилга.*

*Таковар*, яъни тез юрар йўрга от мумтоз шеърятдаги анъанавий тимсоллардан. Ғазалларда маъшуқа отлик киёфада чиройли назмий мисраларда тасвирланади.

<sup>11</sup> Oxford English - Russian Dictionary – Бишкек: Туркистан, 2000. – P. 234.

Севклининг отига илтифот кўрсатиш орқали ўз муҳаббати ва садоқатини изҳор қилиш барча мумтоз шоирларимиз учун умумий хусусият. Масалан, Навоий лирик қаҳрамони – машуқа от елдириб, унинг ёнидан ўтиб кетишини, ҳижрон балосига яна мубтало бўлишини истамайди (Н.Жумаев шарҳи). Ошиқ ўзининг бағир қони от оёғига хино бўлишини, тамзада жони Маҳваш ёнида елиб юрган ити бўйида арқон бўлишини орзу қилади. Хино боғлаш удуми Европа учун муғлақо ёт. Табиийки, инглиз ўқувчисига шоирнинг ёрга, отига “хино боғлаши”ни сўралганда, нимага ишора қилаётгани тушунарсиз туюлиши мумкин. Оёғига хино боғланган кишининг тез юра олмаслиги, инглиз ўқувчисига маълум эмас. Аммо ёр отига инсонга хос удумни бажартириш, ошиқнинг юрак бағридан олинган қонни ёрнинг отига хиноликка садқа қилишдек буюк ҳурмат, Шарқона севги ва илоҳий ишқни ўзга миллат ўқувчисига шундайлигича кўрсата олиш Навоий ғазалларидаги бекиёс жилони ёркинроқ англаш имкониятини берарди. Миллий колоритга хос *Хино* сўзи матн ичида транслитерация қилиниб, эквивалентсиз лексикани узатиш усулларида бири ҳисобланган *изоҳли таржима*дан фойдаланилган ҳолда, бу сўзга матн сўнгида изоҳ берилиши мумкин эди. Аммо бу байт куйидагича таржима қилинган:

3-байт 1-мисрасининг инглизча таржимаси:

*Splash the hooves your brave steed in me heart's blood.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Юрагимдан олинган қонни отингга сачрат.”)

Бу таржимада хино қўйиш билан боғлиқ тасвир йўқ. Унда “юрак қони”ни ёр отига сачратиш сўралмоқда. Таржимон навоиёна мулоҳазани англамас-да, ундаги тасвирни беришга иштиёқи кучлилигидан отни жайрон отга

айлантиради. Дарҳақиқат, жайрон отнинг бадаи кон сачрагандек туюлади. Хино эса отнинг оёк қисмини бўяш учун ишлатилади. Адекватликни таъминлаш учун бундай йўлдан бормасдан **хино** сўзига ва унинг нима сабабдан байтда қўлланаётганлигига алоҳида изох бериб ўтилса, гўзал миллий колорит анъанаси таржимада аке этарди ва бу Навоийнинг ўзига хос услубини ёрқинроқ намоён буларди. Масалан:

*Bandage a henna\* under your steeds feet,  
And weave a leash for your dog from the tendons of my  
sad soul, indeed.*

Henna\*- is a flower in dark red color which grows in Central Asia region and uses for medicine. The man who bandages henna the herb under his foot can't walk quickly. Poet asks his sweet-heart "to bandage henna under her horses feet" because after it one isn't be able to pass quickly, so that the lover could enjoy sweet time with his sweet-heart. Шеърӣ таржиманинг мураккаблиги шундаки, баъзи реалияларни таржимон изоҳда тушунтиришига мажбур. Аммо тўрт қатор шеърда бешта изоҳ келтирилса, бундай таржима ўқувчига эстетик завқ бермаслиги мумкин. Гарчи шеър таржимасида сатр ости изоҳларнинг бир мунча камроқ бўлиши мақсадга мувофиқ бўлсада, Навоий ғазалларини чет тилларига ўгиришда байтлардаги фалсафий маъно, миллий колоритдаги сўзларни ўқувчига аниқ етказиш учун изоҳли таржима усули маъқул ечим ҳисобланади.

3-байтнинг 2-мисраси:

*Итинга гамзада жон риштасин расан қилгил.*

Маълумки, ит – инсоннинг ҳамроҳи, унинг қуриқчисидир. Шоир, шу маънода, ёрнинг қуриқчиси бўлишга ҳавас қилади. Навоий ўзини ўша ит ўрнида, ҳеч бўлмаса бўйнидаги арқони бўлишни хоҳлайди.

Инглизча таржимаси:

*And weave a leash for your dog from the tendons of my sad soul.*

(Мисранинг инглизчага сўзма-сўз таржимаси қуйидагича: “Зада қалбим гўкималаридан итинг учун арқон кил.”)

Бу мисралар семантик жиҳатдан аниқ таржима қилинган. Итга илтифот қилиш нафақат Шарқ, балки Ғарбда ҳам мавжуд. *Love me love my dog* инглиз халқ мақоли (“Мени севсанг, итимни ҳам сев”) да *ит* сўзи рамзий маънода қўлланган бўлиб: 1) “ёмон одатларимни ҳам сев”; 2) “менга тегишли бўлган ҳамма нарсани сев” маъносини англатади. Ушбу ибора орқали Навоий газалидаги образ (яъни ёрнинг итига илтифот) Ғарбда ҳам севган инсонига бўлган ҳурмат ифодасидир. Бу орқали Шарқ ва Ғарб лирикасининг уйғун семантик жиҳатлари намоён бўлади.

4-байт:

*Фироқ тоғида топилса тупроғим, эй чарх,  
Ҳамир этиб, яна ул тоғда кўҳкан қилгил.*

Кўҳкан “тоғ қазувчи” деган маънони англатади. Фарҳод Шириннинг юртига бориб, тоғни қазиб сув чиқаргани учун ҳам кўҳкан лақабини олган. Шунингдек, “фироқ, рашк,

ҳажр, оҳ ила дард” Фарҳод номини ашлатилади. Ушбу байт инглизчага моҳирона ўғирилган:

Таржимаси:

*O Heaven, if at the foot of the mountain of separation my  
dust is discovered,  
Knead it into the dough and sculpt from it powerful  
stone mason.*

Таржимада барча мезонларга мос адекватлик мавжуд.

(Сўзма-сўз таржимаси: “О фалак, ёлғизлик тоғида тупроғим топилса, Ундан ҳамир қоринг ва яна бир кучли тоғ қазувчи ясанг”.)

5-байт:

*Юзинг висолига етсун десанг кўнгишларни,  
Сочингни бошдин-оёғ чин ила ишкан қилгин.*

“Бир қарашда бу байтда мураккаб ибора ва гимсоллар йўқ”. – дейди ушбу байт талқинида Н.Жумаҳўжа, – “масалан, юз дунёвий маъшуқа чехрасини, айни пайтда Аялоҳ хусп-жамолини ашлатилади... Кейин *кўнгишлар деганда* ошиқлар образи тушунилади... Мутолаада мухлисни *чин* ила *ишкан* сўзлари кўпроқ ўйлантиради. Узаро маънодош бу форсий сўзлар ўрам-ўрам, ҳалқа-ҳалқа, занжирсимон-силсилавий, қат-қат, печу тобли, кармоксимон, илгаксимон сифатларини маъшуқа сочларига нисбатан ифодалаётир... Ғазалдаги маъшуқа образи – бениҳоя юксак, улғувор, етишиб бўлмас сиймо. Ошиқ кўнгишлар эса хоксор ва потавон. Ошиқ кўнгишлар билан маъшуқа жамоли оралиғида соч – поёнсиз ҳижрон тимсоли ётибди. Шунинг учун лирик қаҳрамон маъшуқадаш мадад сўрайди: “Агар ошиқларингга раҳминг келса, уларнинг висолинидан баҳраманд бўлишини истасанг, сочингни бошдин-оёғ кармок, илгак ва ўрамлар каби жингалак қил, токи афтода



ошиқларинг шу “чин” ила “шикан”лар воситасида оёғингдан бошингга кўтарилсин, “юзинг висолига етсун”. “Чин ила шикан” образлари орқали Ҳакнинг дийдорини излаб сўфийлар босиб ўтадиган сўфийлик сулуки силсилалари назарда тутилган бўлса ҳам ажаб эмас<sup>12</sup>. Таржимада *чин ила шикан қилгил* бирикмаси орқали “сочни жингалак қилиш” маъноси берилган бўлиб, ўқувчида фақат “маъшуқа сочларининг узунлиги ва ошиқ кўнгулларга яхши кўриниш учун сочни бошдин оёқ жингалак қилиш” ҳақида тасаввур пайдо бўлади.

Байтнинг инглизча таржимаси:

*If you wish to encapture hearts in loving with you,  
Curl your long hair into ringlets.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Агар кўнгуллар сени кўргач, уларнинг севгида махв қилинишини истасанг, узун сочларингни бутунлай жингалак, гажак қилиб ўраб чик”.)

Бу ўринда *ringlet* (“жингалак”, “гажак”) “чин ила шикан қилмоқ” бирикмасининг маъносини тўлиқ очиб бера олмайди. Аслиятдаги “бошдин-оёқ” сўзлари ҳам таржимада учрамайди. Бу сўзларнинг тушиб қолиши маъшуқа сочларига берилган сифатнинг йўқолишига олиб келган. Сочни бошдан-оёқ жингалак қилишдан мақсад ҳам ёрқин ифода этилмаган. Байтнинг биринчи мисраси эса аслиятга зид. Ҳазалда, юқорида таъкидланганидек, ёр васлига етишишга зор ошиқлар (яъни ёрнинг ишқида аллақачон адо бўлганлар) нинг нолаеси баён этилса, таржимада ёрга уни севиб қолишларини истаса, сочларини жингалак қилиш маслаҳат берилмоқда. Бу ўринда *If you wish to encapture hearts in loving with you* ни *If you wish for your lovers getting meet with your face* га алмаштира, маъно адекватлиги юзага

<sup>12</sup> Н Жумахўжа. Шу маъна – Б 28

келган булар эди. Шунда байт инглизчада қуйидаги кўриниш касб этган буларди:

*If you wish for your lovers to meet with your face,  
Curl your hair up to down into rod like chains.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Агар ошиқларингнинг чеҳраш билан кўришишларини истасанг, сочларингни бошдин-оёк қармоққа ўхшаш занжирдек товлаб чик.”)

6-байт:

*Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монеъ,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилгил.*

Олтинчи байтда шоир *боғбон* ва *боғ* сўзларини рамзий – яратувчи ва борлиқ маъносида қўллайди. Меҳрсиз маъшука жамолига етишиш орзусида умри хазонга соврилишига ишора қилади. Боғбон ўз боғини ҳар қандай хавф-хатардан муҳофаза қилиши мумкин, ammo ёнга қарши боғ томига игна қадаб чикса ҳам, табиат қонуни бўлмиш “хазон лашкари”, яъни фано вақти яқинлашгач, таширф буюрувчи улимдан асрай олмаслигини таъкидлайди. Бу лирик чекиниш орқали шоир, ҳаётнинг ўткинчилиги ҳақида фалсафий мушоҳада юритади ва шу маъноси билан у кейинги – еттинчи байт билан узвий боғланган. Таржимада бу маънонинг бутунлай аксини кўриш мумкин.

Таржима:

*There is little the gardener can do stop the advance  
of the fall,  
Should he even spike the roof of his garden with  
pine needles.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Бир богбон борки, у хазон тўкилишини тўхтата олади. Агар у боғи томига арча игнасини қадаб чиқишга тўғри келса ҳам.”)

Кўриб турганимиздек, бу аслиятга мутлақо терс таржима бўлиб, инглиз ўқувчисига галати таассурот қолдириши аниқ. Чунки таржима кейинги байт таржимаси билан аслият семастикаси нуқтаи назаридан умуман боғланмайди. Шоирнинг нимага ишора қилаётгани мавҳумлигича қолмоқда. Шоирнинг “ёр васлига ета олмай умри хазон бўлиши мумкинлиги” ва кейинги 7-байтда айтилганидек, “агар шу йўлда вафот этиб кетса, маъшуканинг юзидаги тер “гулоб” билан ювилса, хазон бўлган умрига афсус чекмаслиги сабаби, ўлимдан сўнг, кеч бўлса-да, ёр васлига етгандек ўзни хис қилиши” ҳақидаги гўзал тўқималар ўқувчи учун тушунарсиз ҳолатга келиб қолган. Шу байт куйидагича таржима қилинса, таржимада бадний адекватликни сақлаб қолиш мумкин, яъни куйидагича:

*No gardener can stop the advance of the fall,  
Even he spikes the roof of his garden with pine needles all.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Боғи томига арча игналарининг барини қадаб чиқса ҳам, хазон тўкилишини тўхтатишга қодир богбон йўқ”).

Кейинги байт юқоридаги лирик чекинишни давом эттирмоқда.

7-байт:

*Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилгил.*

Ява Н.Жумахўжа талқинига мурожаат этамиз. Байтда шоир тирикликнинг омонат ва ғаниматлиги, ўлимнинг муқаррарлиги ҳақида ўй сурган эди. Шундай маҳзун кайфиятдаги лирик қаҳрамоннинг армони битта – маъшуқа висоли. Биринчи мисра мазмуни “юз” ва тер” образлари орқали ифодаланган эди. Иккинчи мисрада бу образларга мувозий равишда “гулоб” ва “гул барги” образлари қўлланади. *Гулоб* маъшуқа юзидаги тер тимсоли бўлса, *гул барги* юзнинг рамзи. Ошиқ маъшуқа теридан тайёрланган *гулоб*да чўмилтирилиш ва унинг гул юзига буркапиш учун ўлимдан сўнгги висолни орзу қилади. Бу мураккаб рамзий ифодаларга таржима жараёнида қисқача изох бериб ўтиш жоиз. Инглизча таржимада “эй, рафик”, яъни дўстга мурожаат *O my friend* (“О дўстим”) ундалмаси билан берилган. Муаллиф гапи дўстга қаратилиб таржима қилинган:

*O my friend, should I suddenly die at the sight seeing of perspiration on your face...*

(Сўзма-сўз таржимаси: “О дўстим, сенинг юзингдаги терни кўриб, агар тўсатдан ўлиб қолсам...”)

Кўриб турганимиздек, *your* (сенинг) эгалик олмошининг қўлланилиши орқали гўё ошиқ дўстининг юзидаги терни кўриб, бандаликни бажо келтиришини айтаётгандек маъно вужудга келган. Аслиятда эса шоир *юзида* деганда маъшуқа юзини назарда тутган. Н. Комилов ушбу ғазални таҳлил қилар экан, *тер* сўзи воситасида вужудга келиш эҳтимоли бўлган барча ишора ва ифодаларнинг мазмунини аниқ мисоллар ёрдамида санаб ўтади ва шундай хулосага келади: “Хулласи қалом, байт мазмунини бундай баён этиш мумкин: Ёр юзидаги тер томчиларидан ҳосил бўлган муборак сув – гулоб билан ювгин-да, ўша гўзал юзни эслатувчи гул баргларига ўраб

кўмгин”. Бу айни вақтда ошиқнинг армони ва “Қаро кўзим” газалида куйланган садоқат ғоясининг чуққиси!”<sup>13</sup>. Агар таржимадаги *your* эгаллик олмошининг ўрнига *her* – унинг (аёл киши учун) эгаллик олмоши ишлатилса, таржима аслиятдаги айни маънони очиқ беради:

*O my friend, should I suddenly die seeing perspiration on her face...*

(Сўзма-сўз таржимаси: “О, дўстим, унинг юзидаги терни кўриб тўсатдан ўлсам...”)

7-байтнинг 2-мисраси инглизча таржимаси куйидагича:  
*Bath me in rose water and lay me to rest in a shroud made of rose petals.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Мени гул сувида чўмилтиринг ва гуллардан ясалган саван (Европада ўликлар ётқизиладиган гул билан безатилган тобут) га ётқизинг.”)

Иккинчи мисра семантик жиҳатдан аслиятга мос, аммо *rose water* ва *rose petals* сўзларига изоҳ берилса, газал маъносини аниқроқ англашга хизмат қилган бўлар эди.

Газалнинг мактаъси куйидагича:

*Navoiy, anjumanе shavq жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғлиг ўқин шамъи анжуман қилгил.*

Байт мазмун-маъносини шундай тушуниш ва шарҳлаш мумкин: “Жон” марказида “алиф” турсагина, жон бўлади. Алиф эса Аллоҳнинг яққаю ягоналигини билдирувчи тимсолдир. Агар Аллоҳ васли (Уни англаш) дан завқ олмоқчи бўлсанг, жон (инсон ва коинот руҳи) маркази ва манбаси бўлган Аллоҳни қалбинг марказига қўй”. Байтнинг зоҳирий маъноси шундай тасаввурга асосланади:

<sup>13</sup> Комилов Н. Гасаввуф. Иккинчи китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1999. – Б. 98

Анжуманда шам ёкилади. Агар сен шавк анжумани ташкил этмоқчи бўлсанг, жоннинг бошоғли ўқиши марказга қўйиб уни шамъ сифатида ишлат. Демак жоннинг ўқи шамдек ёниб атрофни ёритиш хусусиятига эга экан.

Инглизча таржимаси:

*Navoi, if you can put your heart all into a bouquet of joy.*

*Pick a sheaf of water of wheat and touching a flame to it let  
this candle be the revelation of the nosegay.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Навойи агар сен юрагингни шод-хуррамлик гулдастасига қўя олсанг, Бугдой бошоғин йиғини ундан гулхан қил ва бу шамнинг гуллар боғламида очилишига рухсат бер.”)

Кўрииб турибдики, ушбу мисра инглиз тилига аниқ, семантик жиҳатдан тўлиқ таржима қилинган.

Қўллаб таржималарда кўрииб қоладиган қусурлардан бири: истилоҳлар, тарихий номлар ва оригинал матн мансуб бўлган халқ менталитети, кадриятларига хос бўлган элементларнинг таржима қилмасдан қолдирилишидир. Масалан, *I desire, O Hizr, to make a piligrimage of the soul to Kaaba*<sup>14</sup> деб таржима қилинган мисрани ўқиган инглиз китобхони ўзининг ғарбона дунёқарашидан келиб чиқиб лирик қаҳрамоннинг қандайдир “Hizr” га мурожаати моҳиятини тушунмайди. Шунингдек, баъзи ғазалларда учрайдиган машҳур тарихий шахслар, адабий қаҳрамонларнинг номлари нотаниш бўлгани биле Ғарб китобхони ушбу таржимадан тўлиқ қониқмайди.

Алишер Навоийнинг заковати, истеъдоди фавқулодда бой ва ранг-баранг. Шоир тасвирий воситалардан фойдаланишда ажойиб намуналар яратадикки, бадий

---

<sup>14</sup> А. “Pearls from Ocean” Уммондан дурлар Ғазаллар хикमतлар ва рубоийлардан намуналар. Таржималар гўллами / Тузувчи Й Нарда – Тошкент: Шарк. 2000. – Б 113.

махоратнинг бу ўзига хос гомони Навоий даҳосига сидкидилдан хизмат қилган ва хизмат қилаётган таржимонлар олдига тил, услуб ва миллий анъаналар билан боғлиқ кўпдан кўп муаммоларни дадил, мустақил ҳал қилиш вазифасини кўндаланг кўяди. Алишер Навоий асарларининг классик услуби ва оҳангини бошқа тилда қайта яратиш учун ўша тилнинг Навоий замонасига параллел давридаги архаик сўзлар луғатидан фойдаланиш самарали натижа беради. Масалан Навоий ғазалиётини инглиз тилига ўгиришда, унга даврий жиҳатдан мувофиқ келувчи Шекспир асарлари лексикасидан фойдаланилса юксак услуб, давр руҳияти таржимада ёрқинроқ ифода этилиши мумкин. Бундай тажриба “Фарҳод ва Ширин” достонини рус тилига таржима қилишда амалиётда қўлланган бўлиб, рус поэзияси тарихи бисотидан *сей, узреть, очи, властелин, владыка, всевышний, творец, небо, (художественно) архангел, чело* каби сўзларнинг танлаб олиниши ва бу ишнинг натижаси ўлароқ асар таржимасидаги услуб, қадимийлик, шартли архаика жилосининг берилиши ва Навоий даври колоритининг таржимада қайта яратилиши тажрибанинг муваффақиятли эканлигидан дарак беради<sup>15</sup>.

Навоий даҳосини хорижий ўлкаларда тарғиб этиш, унинг бадиият оламидаги ўзига хос юксак маҳоратини кўрсатиб бериш – кун талаби. Лирик таржиманинг ўзи кифоя қиладими? Алишер Навоий бадиияти шу қадар баркамолки, уни англаб этиш юксак комилликни талаб қилади. Баъзида ўзбек тилида тушуниш мушкул бўлган Навоий ғазалиёти сирларини чет тилида аниқ ифода этиб бўладими? Бу савол Навоий ижоди тадқиқи билан боғлиқ кўпгина соҳалар учун янги йўналиш ва вазифалар тизимини белгилаб беради. Ғарбнинг Алишер Навоийга меҳр қўйиши нафақат таржимоннинг касбий маҳоратига, балки унинг

<sup>15</sup> Бу ҳақда қаранг Саломов Ф., Жураев К., Олимов С. Таржима санъати. 4-китоб. Гулловчи Т. Жураев – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978 – Б. 134.

Навойни кашф этишта булган улкан меҳнати ва фидойлигига ҳам боғлиқдир. Алишер Навоий бадийатини чет тилида аниқ ақс эттиришнинг икки йўли мавжуд: 1. Инглиз таржимонида Навоийни ҳис этиш туйғусини шакллантириш лозим. Бунинг учун кенг тармоқли ишларни амалга ошириш (Навоий асарларининг инглизча изоҳли лугатлари, Навоий асарлари образларининг генезиси, шарқона шеърӣ санъатлар, оҳанг ва қофия ҳақидаги илмий адабиётларнинг инглизча таржималарини яратиш, атоқли навоийшуносларнинг Навоий газалларига берган шарҳларини тушлаб таржима қилиш) лозим. 2. Инглиз таржимонлари навоийшунослар билан ҳамкорликда иш юритишлари зарур. Шундагина Навоий бадийатини бус-бутунлигича чет тилида тарғиб этиш мумкин.

Юқорида кўриб ўтилганлар асосида айтиш мумкинки, газалнинг фалсафий юқи, ботиний ва зоҳирӣ маънолари таржимада ақс ўтмас экан, таржимон юксак Шарқ фалсафасидан Гарб китобхонини баҳраманд эта олмайди. Газалдаги санъатлар моҳияти тула англаниб, таржимада қайта яратишга ҳаракат қилинса, Навоий даҳосини тушунтиришда самарали қадам буларди.



## ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ...

Образли ифодалар адекватлигини таъминлаш ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини инглиз тилига таржима қилиш ишларида ҳам ўзининг нозик жиҳатларига эга.

Алишер Навоийнинг кексалик лирикасига мансуб **“Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур”** матлаъси билан бошланувчи ғазал таржимаси хусусида сўз юритамиз. Асарнинг зоҳирий мақсад-моҳияти ўн саккиз ёшдаги манзур (назарда тутилган муайян сиймо) малоҳатини васф этишга қаратилган. Бу васф инсон умрининг навқирон палласи ҳамда хусну жамоли ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар билан йўқрилган:

*Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур<sup>16</sup>.*

Ушбу байт таҳлилида Н.Жумаҳўжа: “Ўн саккиз минг олам” бадииятда тимсолга айланган тургун сўз бирикмаси бўлиб, у бутун борлик ўн саккиз минг оламдан иборат, деганда олам чексизлиги ҳақидаги афсонавий тасаввурлардан келиб чиққан. Шоир биргина сарвиноз аҳволига эмас, умуман инсоннинг ўн саккиз ёшига таъриф беради. Таъриф умуминсоний бўлганидек, назаримизда, шу ўн саккиз яшар сарвиноз ҳам умумлашма образ<sup>17</sup>, – дейди.

И.Ҳаққул бир қатор далиллар билан бу ғазални қуйидагича таърифлайди: “...Навоий ғазалида таъкидланган ўн саккиз минг олам тасаввуф таълимоти заминида юзага келган бўлиб, Ҳақ ошиқларнинг сийратига, зоҳирий оламга

<sup>16</sup> Алишер Навоий Бадойи ул-васват МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан. 1990 Т.5. – Б 117-118

<sup>17</sup> Қосимов Б. Жумаҳўжасев Н. Ўзбек адабиёти – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2003 – Б 52

эмас, ботиший оламга дахлдор. “Ўн саккиз минг олам” тасаввуф шеъриятидаги поэтик образлардан бири. Унга шунчаки “турғун сўз бирикмаси” деб қаралмаслиги керак... Навоий ғазалида “Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошпиндадур” дейилиши – “ориф ошиқ”ларнинг “жон мулкида алам” тортишига ишора. Акс холда, маъшуқи азалнинг боши “ўн саккиз минг олам” гул-гулу гавгосига гирифтор бўлмасди”<sup>18</sup>.

Навоийшунослар бир фикрда яқдилдирлар: ғазал тасаввуфий маъно ва ғояга эга. Навоий ўз шеъриятида бирор бир сўз ёки образли ифодани бежиз ишлатмаган. Ҳар бир ишлатилган образли ифода муайян ғояни очишга йўналтирилган. Тасаввуфий ғазалларни инглиз тилига таржима қилишда образли ифодаларни қайта яратиш ёки маъно ва ғояни инглиз китобхонига етказиш масаласи жиддий изланишларни талаб қилади.

Юқоридаги ғазал Л.Кметюк томонидан инглиз тилига таржима қилинган. Унинг матласи қуйидагича:

*Small wonder she is beset by tribulations of eighteen  
thousand worlds  
For my playful beauty is a mere eighteen years old*<sup>19</sup>.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Менинг шўҳ гузалим атиги ўн саккиз ёшда бўлса ҳам, Не ҳайратки, у ўн саккиз минг олам ташвишлари билан камраб олинган”.)

<sup>18</sup> Ҳаққул. И. Фақру фанолик хайрати /Шарҳ тоддузи. – Тошкент, 1991, – № 1. – Б 109-112.

<sup>19</sup> Nawai A. “Pearls from Ocean” Уммондан дурлар Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар Таржималар тўплами /Тузувчи Й.Парда – Тошкент: Шарк, 2000. – Б 109.

Юқоридаги байт лингвистик ва лексико-семантик жиҳатдан адекват деб ҳисобланиши мумкин. Аммо байтда яширин маънони илғаб таржима қилиш биз фараз қилган адекватликни йўққа чиқаради. Эътибор беринг: таржимада *is a mere eighteen years old*, яъни *атиғи ўн саккиз ёшда бўлса* ҳам ўн саккиз минг олам ташвишлари билан чулганган, деб берилмоқда. Аслиятда эса “ўн саккиз минг олами ғавғоси унинг бошига тушса ажабланишга ҳожат йўқ, чунки у ўн саккиз ёшда-да” дейилмоқда. Таржимани ногўғри деб ҳисоблашга асос, унинг ботиний маъносини илгамасдан ишга киришганликдир. Ушбу ғазал пароканда ғазаллар турига киргани учун ҳам ҳар бир байт тугал маънога эга бўлади. Буни назарда тутган таржимон ҳар бир байт таржимасида муаллиф кўзда тутган маънодан келиб чиқиб, таржимага киришиши керак. Акс ҳолда байт оддий ва юзаки тавсиф ёки эътирофга айланиб қолади. Юқоридаги байт мисолида айтиладиган бўлса, таржимон олдида турган биринчи масала ўн саккиз ёшли санамнинг бошида нега ўн саккиз минг олам муаммолари тушишини аниқлаштириш бўлиши керак: ўн саккиз ёшда инсонда ишқ куртак ёзади, ўн саккиз минг олам – бу, Аллоҳнинг мўъжизалар билан тўлдирган борлиқлари. Иккаласи уйғунлаштирилганда Илоҳий ишқ мавзуси юзага чиқади. Инсон ишқ орқали Илоҳиётни, илоҳий борлиқларни ўрганadi, Гўзаллик манбасини танийди ва ўзининг гўзал бўлиш сабабини англайди. Шоир шунинг учун ҳам унинг гўзали бошидаги олам ошубини ўн саккиз ёш билан боғлайди. Шундай экан, адекватликни таъминлашда фақат лингвистик ёндашув ўзини оқламайди. Айниқса, мумтоз лирикадан шеърый таржималарда маъновий ёндашув адекватликни таъминлашнинг муҳим омилдир.

Байт:

*Деса булгайким, яна ҳам ўн саккиз иш ҳусни бор,  
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.*

Байтда “ўн саккиз йиллик ҳусн” марказий ўринга чиққан. Муаллиф бу билан нима демोकчи?

Таржимага назар ташлаймиз:

*I dare I say her beauty will last her another eighteen  
years  
Since her mind is in such turmoil and she is a mere  
eighteen years old...*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Мен шуни айтишга журъат этаманки, унинг гўзаллиги яна ўн саккиз йил давом этади. Токи унинг онгида шунча ғавғо бўлиб, ўзи эса атиги ўн саккиз ёшда экан.”)

Таржима сўзларнинг эквивалентларини қўйишдан иборат бўлиб қолган. Албатта айтиш жоизки, бу байт таржимаси услубий жиҳатдан аслиятни эслатади. Оҳанг ҳам мавжуд. Лингвистик жиҳатдан эътироз уйғотмайди. Аммо гоё ва муаллиф кўзлаган маъно жиҳатидан таржимани талабга жавоб беради дейиш кийин. “Ўн саккиз йиллик ҳусн” образли ифодаси инсон умрини ифодалаш учун ишлатилган. Баллоғат ёши ўн саккиз ёш эканлигини назарда тутсақ, шоир айтмоқчи, унинг гўзали ўн саккиз ёшда.

Ўн маккиз минг оламини боғлагувчи Гўзалликнинг бир марказига (тямсолига) айландими, унинг ҳусни Илохий Гўзалликдандир, яъни абадийдир. Албатта, тасаввуфий гоёларни шеърий таржиманинг ўзида адекват ифодалаш мушкул. Бундай ҳолатларда байт ёки ғазал билан бирга

шарҳларни илова этиш, Навоий маҳорати, гоя ва маъносини очишга хизмат қиладиган образли ифодаларга глоссарий, изоҳли луғатлар илова қилиш муаммонинг ечимидаги оптимал йўллардан биридир.

*Ун сакиз йил дема, юз саксон йил ўтса, улдурур,  
Хусн шоҳи, ул балоларқим, кўзу қошиндадур.*

Шоир ушбу байтда юкоридаги фикридан бир оз чекинган ҳолда ўз-ўзини *ун сакиз йил дема* бирикмаси билан инкор этиб, “яна юз саксон йил ўтса ҳам, кўзу қошида турфа балолар жилва қилар экан, ул сарвиноз хусн шоҳи сифатида гўзаллик салтанатида ҳукмфармолик қилаверади” деган хулосага келади. Ушбу байтда шоир Шарқ шеъриятидаги ружуъ<sup>20</sup> санъатини қўллаган. Инглиз таржимони Шарқ шеъриятига хос бу санъатни таржимада қайта яратишга муваффақ бўлган:

Таржима:

*Eighteen...? No, even when she grows to be eighteen  
hundred years old  
Will she remain the queen among beauties and our doom  
lurks in her eyes.*

---

<sup>20</sup>Изоҳ: ружуъ арабча “қайтиш” маъносини билдириб, шеъриятда шоирнинг олдинги мисра ски байтда ифодаланган фикри, қўйлаган бадиий тасвирий воситасидан қайташдек бўлиб, кейинги мисра ски байтда унга қараганда кўчлироқ ифода, шеърый санъатни келтирини еки олдинги фикрни аниқлаштириши, тўлдирши усули. Ҳожиаҳмедов А. Шейр санъатларини биласизми? – Тошкент: Шарқ НМАК. 1999 – Б. 12.

(Сўзма-сўз таржимаси: “Ун саккиз? Йук, юз саксон ёшга улгайса ҳам, у гўзалликнинг танҳо маликаси бўлиб қолади ва бизнинг аччиқ қисматимиз унинг кўзларига яширинади.”)

Кўринадики, таржимон биринчи мисрада шеърини санъатни аниқ ифодалаб берган. Иккинчи мисрада (аслиятда) сарвинознинг “кўзу қошида”ги ул балолар Шарк газалиётида кўз ва кош мадҳида айтилган. Масалан, кўзнинг хунхорлиги, жаллодлиги, фитнагарлиги, кошнинг шамшир каби қаттоллиги, бирининг имо қилиб, бирининг жон олиши каби сифатлар назарда тутилган. Инглиз таржимони ҳам бу ўхшатиш маъносини англаган ҳолда *our doom lurks In her eyes*, яъни “бизнинг қисматимиз унинг кўзларида завоқ топади” деб таржима қиладики, бу сарвиноз кўзларининг жон олувчи эканлигига ишора.

*Ҳайрат этмон хусни нақшидаки, юз ҳар ҳайратки бор,  
Барчаси эзид таоло сунъи наққошидадур.*

Шоир маҳвашнинг ақл лол қолдирадиган даражадаги бир-бирига мос ва уйғун гўзаллигидан ҳайратга тушмайди. Чунки Навоийнинг қарашига, ҳар қандай бетакрор гўзалликнинг яратувчиси ва ижодкори наққошу санъаткор Аллоҳдир. Таржимада ҳам айни аслиятдаги гоёлар сақланиб қолган:

*I marvel not at the queen among beauty of her features for  
all that so lovely in her,  
Is the handiwork of that great artist – the Lord Almighty.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Мен у маликадаги барча гузалликдан ҳайрат этмайман. Бу буюк яратувчининг, Худонинг қўл меҳнатидир.”)

И.Ҳаққулнинг ёзишича, тасаввуфда тош ҳам Аллоҳ жамолини кўрсатувчи унсур сифатида эътироф этилган<sup>21</sup>.

Навоий байтига назар ташлайлик:

*Тан анга сийму ичинда тош музмар қўнглидин,  
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.*

Аллоҳ ўзининг санъати билан унинг сиртини кумуш мағзини қалбдан иборат қилиб яратган. Маҳвашнинг қалб гузаллиги ҳам шу даражада ташки гузалликка монандки, ақл бундай мукаммалликдан ҳайратдадир.

Таржима:

*Her body is silvery – white and conceals a heart  
that is stoney,  
This silvery moon holds forth the promise of a hundred  
wonders to the reasoning mind.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Унинг танаси кумушдек оқ ва унда тошдан бўлган юрак яширинган, бу кумуш ой ақлга юз минг ҳайрат улашади.”)

Байтдаги тош, сарвинознинг тошқўнгиллигига ишора эмас, балки инсон сийрати қалб, руҳдан иборатлиги ва у комиллик манбаси эканлигига ишорадир. Қалб ва тана гузаллигининг бир-бирини тўлдириши пуқсонсизликни

---

<sup>21</sup> Ҳаққул И. Фақру фанолик ҳайрати // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – № 1 – Б 109-112.

билдиради. Аммо мутаржимлар томонидан бу образ нотўғри тушунилган. Буни немисча таржимада ҳам кузатиш мумкин<sup>22</sup>:

*Gekleidet in glitzerndes silber, das Antlitz-dem Vollmonde  
gleich.  
Verbirgt sie im Busen ein Herz, dasswie Marmor so hart  
und kalt.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Ялтироқ кумуш либос кийган, кўриниши тўлин ойга тенг, кўксида мармардек қаттиқ ва совуқ юракни яширган”.)

Кўриб турганимиздек, аслиятдаги “хуен шохи”нинг жамолини кўрсатадиган унсур *tohi* инглизча таржимада *heart that is stoney* (“тошдан бўлган юрак”), немисча таржимада эса *herz* (“юрак”)га айланиб қолган. Натижада шоир тараннум этган ёр таржималарда багритопи, бераҳм ёр кўринишини олган.

Навбатдаги байт:

*Май келтур, эй мугки, юз хайрат аро қолмиш Масиҳ,  
Буљажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.*

Бу кўхна дунё кўришпалаги (қалб) кўрсатган муъжизалардан Исо Масиҳ хайратга тушди, яъни қалб ўзи кўр (тана ичида яширин) бўла туриб, инсоннинг зоҳирий ва ботиний кўзини очиши Масиҳни хайратда қолдирди.

---

<sup>22</sup>Абдуллажонов А. А. Навоий бадиятини немисча таржималарда қайга яратиш ва таъдил этиши Филол фан номз. дисс. – Тошкент, 1998 – Б. 71.



*Give me wine inkeeper, for in the midst of all those wonders  
the Lord alone remains.  
How strange that this sacred old temple – our world – has  
fallen Trophy to the bats.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Менга шароб (вино) бергил, эй соқий, бу ҳайратлар ичида Исо ёлғиз қолди. Нақадар галактики, бу кўҳна илоҳий ибодатхона, яъни дунёмиз устига кўршаналаклар галаси қулади.”)

Таржимон назалга Исо ва кўршаналак образларининг нима сабабдан киритилганлигини тушунмаган ва бу образлардан бирини тушириб қолдиришни ҳам ўзига эи билмаган. Натижада кўршаналак образи гўё мажбуран киритилган кераксиз деталга айланиб қолган. Таржимоннинг аслиятдаги иборалар мазмунини тушунмаслиги оқибатида бадий образлиликнинг йўқолиши ҳолатлари немис тилидаги таржимада ҳам учрайди:

*Reich. Mundschenk, mir Wein! Mich entzuck nur noch  
Jesus, der grosse  
Prophet Wie traurig, dass in seinem Tempel das Schwirren  
der Fledermaus hallt!*

Мазмуни: “Майхоначи, менга вино келтир! Мени фақат буюк Исо пайгамбар мафтун этди. Кўршаналакнинг ўз масканида гўнғиллаган овози қанчалар ғамгин”. А. Абдуллажоновнинг изоҳ беришича, мутаржим ўзбек тилини билмаслиги оқибатида немисча таржимада “Исо пайгамбар лирик қахрамонни ўзига мафтун этди. Шу сабабли мазмун асл нусхага зид келиб қолган. Кўршаналак образи эса

немисча таржимада ҳам бамисоли мажбуран киритилган кераксиз деталга айланиб, ўз образлигидан маҳрум бўлган”<sup>23</sup> дейди..

Навбатдаги байт:

*To Navoiy tükdi ul ой фурқатидин баҳри ашк,  
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.*

Навоий “ул ой”, яъни ҳусн шоҳи фирокига дучор бўлганлигидан буён йиғидан тўхтамайди ва кўз ёшларида ул қуёш талъатнинг акси мудом жилваланиб туради:

*If Navoi has shed a sea of tears in yearning for his moon-  
like beauty,  
Look closer at them, you will see that every tear reflects  
her Splendor – the Sun*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Агар Навоий унинг ой жамоли учун дарёга кўз ёшлар тўкса, Уларга яқинроқ кара ва сен ҳар бир кўз ёшда Қуёшни – Splendor ни кўрасан.”)

Тасаввуфдаги *ул ой*, яъни “Ҳақ жамоли” таржимага *moon-like beauty* (“ойга ўхшаш гўзаллик”) тарзида кўчган, аммо *ой* ва *қуёш* сўзларига изох берилмаганлиги боис, сўфиёна мазмун ўрнини дунёвий ишқ васфи эгаллаган, бу эса, ўз навбатида, ғазалнинг фалсафий ечимини тушунарсиз ҳолатга келтириш билан яқун топган.

Демак, образли ифодалар адекватлиги таржимада аслият рухиятини англашда, асосий ғоя ва мазмунни беришда муҳим ўрин тутди. Таржима жараёнида мутаржимдан ҳар битта образли ифода устида индивидуал

<sup>23</sup> Абдуллажонов А. А. Шу манба. – Б. 72.

ишлаш, унинг асардаги вазифаси ва асарнинг умумий  
ғоясини ёритишдаги ролини аниқлаш талаб этилади.  
Инглиз мумтоз лирикасидаги пейзаж образлар орқали  
маълум воқеа-ҳодисага тавсиф берилса, ўзбек мумтоз  
шеъриятида образли ифодалар орқали суфиёна ғоялар  
ифодаси кўплаб учрайди. Бу ҳақ таржимондан Шаркнинг  
тасаввуф таълимоти билан яқиндан танишувини тақазо  
этади. Шеър ёки газалдаги образли ифода маъносини тўла  
англаб етмай уни таржимага киритиш, аслиятдаги рух, ғоя  
ва мазмуннинг пасайишига, баъзи ҳолларда аслиятга  
бутунлай тесқари таржиманинг юзага келишига сабаб  
булиши мумкин.

## “ЎЛМАСУН”

*Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,  
Жумлаи оламди расволиққа машҳур ўлмасун.*

*Мен булай овора то шиқимдин айлаб гуфтусуй,  
Оти онинг ҳар киши өзига мазкур ўлмасун.*

*Жонима бедоду зулмин. ё Раб, ул миқдор қил,  
Ким ашинг ошиқинги ҳар кимга мақдур ўлмасун.*

*Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиқки, бороур покбоз.  
Навҳа тортиб мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун.*

*Панд ила қўнғлум уйин қилма иморат. эй рафиқ,  
Бизни бузди, ҳарғиз ул. ё Рабки, маъмур ўлмасун.*

*Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели.  
Воқиф ўл ҳолимини айтур чоғда махмур ўлмасун.*

*Ер васлиги қувондим, қовди қўйидин мени,  
Эй Навоий, ҳеч киши давлатқа мағрур ўлмасун.*

Мазкур ғазал Алишер Навоийнинг ёрга бўлган ишкий кечинмаларига бағишланган. Ғазалнинг матлаъсиданок лирик қаҳрамон ҳижрондан шиқоят қилмоқда. Ошиқ ҳижрон билан боғлиқ ўртаннишларни оддий инсон каби кечирмайди. Маҳжурлик ҳукми савдойиллик бўлди, оқибатда ошиқ расволик билан шуҳрат қозонди. Албатта, авом назарида бу ҳолат билан обрў-мартабага эришиб бўлмайди. Бу хил расволик маломат келтиради, холос.

Ошиқ бир муддат ҳушёр бўлди, ақлини йиғди, хавфли тус олган фироқнинг ҳолати ва даражасидан бошқаларни огоҳ қилди: ҳеч бир кимса у каби ёридан айрилиб зор

бўлиб, хижронда қолмасин. Девоналик жўш уриб жами башар наздида шармандаи шармисор бўлмасин.

*Еридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,  
Жумлан оламда расволиққа машхур ўлмасун.*

Ошиқнинг бадномлиги, расволиги унинг ўзиники. Кўплар суратига бино қўйса, обрў, ҳурмат, эътиборталаб бўлса, ошиқ ҳуд-беҳуд бу хил тушунчаларни ер билан яқсон қилди. Биргина ёри бор эди, ундан-да айрилди, хижрондан бўлак ҳеч нарсаи қолмади.

*Мазкур ғазалини ҳам инглиз тилига Л.Кметюк таржима қилган.*

Инглизча таржимаси:

*May no one be deprived of his beloved and lament as I do,  
May no one shamed in the eyes of the world as I am.*

(Сўзма-сўз таржимаси:

*Ҳеч ким мен бўлганимдек суйганидан маҳрумликдан  
полиб кўз ёш тўкмасин,  
Ҳеч ким мендек дуненинг кўзига уятли кўринмасин)*

Таржимада аслиятдаги маъно тўла очиб берилиши билан бирга маҳжур ва машхур сўzlари ҳосил қилаётган оҳангдошлик инглиз тилида lament as I do, shamed as I am тарзида “килмок” ва “бўлмок” ёрдамчи феъллари билан қайга яратилган. Гарчи бу икки ёрдамчи феъл орасида бир карашда ҳеч қандай фонетик ҳамоҳанглик бўлмаса-да, инглиз тилида бу икки кумакчи феълнинг as I do, as I am тарзида келиши ниҳоятда чиройли хушоҳангликни ҳосил қилади. “Ўлмасун” радифи таржимада May no one тарзида берилган. Умуман ўзбек мумтоз ғазалини инглиз тилига таржима қилишда таржимон қўллаётган варианты энг маъқул ечим ҳисобланади. Яъни радифни мисра бошига

чиқариб, равийни мисра ўртаси ёки охирида бериш аслият ритмига омихта бир оҳангни ҳосил қилади.

*Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,  
Жумлаи оламда расволиққа маиҳур ўлмасун.*

*May no one be deprived of his beloved and lament as I do.  
May no one shamed in the eyes of the world as I am.*

Бироқ, мажнунлик учун шериклик ёт экан! Бундай савдони ошиқ ўзгаларга раво кўрмоқчи эмас:

*Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтуғуй,  
Оти онинг ҳар киши оғзига мазкур ўлмасун.*

“Савдойи” ошиқнинг эндиги вазифаси одамларга ёрига бўлган ҳижронли муҳаббатини сўзлаш, ёки бошқача айтганда, унинг васфини куйлаш, уни таърифлаш. У ҳақда асарлар, шеърлар, дostonлар, ҳатто авом Ёрни англашда йўлдан адашмаслиги учун китоблар битиш. Дарҳақиқат, ошиқ шундай даражага етишган. Алломалар илм ўқиб, ирфонга эришса, ошиқ бор ҳақиқатни айрилиқ давридаёқ англаб етди! Ёр билан боғлиқ ҳар нарса ва ҳолат азиз, ўзи каби номи ҳам қадри. Унинг исмини зикр қилиш учун зокир нафс иллатларидан холи, пок ҳаёлли ва эзгу ниятли бўлиши шарт.

Инглизча таржимаси:

*May I become a wanderer of whose love everyone gossips  
But let no lips dare pronounce her name.*

(Сўзма-сўз:

*Мен севгиси доим кишилар гийбат қиладиган  
дарбадарга айланай,*

*Лекин ҳеч ким унинг исмини айтиш учун ҳатто лабини қимирлатишига ҳам ботино олмасин.)*

Аслиятда лирик қаҳрамон таңгридан “мен ўз ишкимдан сўзлаш билан шу даражада банд бўлайки, бошқаларда ишк бобида ганиришга имкон қолмасин” демоқда. Аммо таржимада гуфтугўй – сўзлаш, кўп ганириш – wanderer – жаҳонни кезувчи, дарбадар деб таржима килинмоқда.

Ошиқнинг мақсади васл эди, насибаси ҳижрон бўлди. Буни ошиқликнинг қисмати деб қабул қилди. Бирок у ундан хафа эмас. Зеро, ошиқликнинг энг улуғ мақоми сабрдир:

*Жонима бедоду тўлмиш, ё Раб, ул миқдор қил.  
Ким ашиг ошиқлиги ҳар кимга мақдур ўлмасун.*

Инглизча таржимаси:

*O Lord, let the in just suffering she has inflicted on my  
heart be of such measure  
That is would be unbearable to any other but me.*

(Сўзма-сўз таржимаси:

*О Таңғрим, менга унинг бераётган азобларини шундай  
миқдорга солгинки,*

*Бу бошқа бировлар учун чидаб бўлмас азоб бўлсин.)*

Айрилик азобининг энг кўп миқдорини асл ошиқ ўз бўйнига олишни фахр деб билади. Шу билан бир каторда, лирик қаҳрамонимиз худбин эмас. У ўзининг бошқа ганимлари – маҳвашининг бошқа ошиқларига ҳам хайрихоҳ.

Лирик қаҳрамон уларни ўзларининг ҳолатидан келиб чиқиб, кийноқлардан холи қилмоқчи:

*Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиқки, бордур покбоз,  
Навҳа тортиб мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун.*

Лирик қаҳрамон уларни ўзларининг моҳиятидан келиб чиққани ҳолда асрамоқчи, кийноқлардан холи қилмоқчи. Тангрига қилган юкоридаги илтижоларнинг давоми бу. Савдойи ошиқнинг фикрича, бордию, унинг дарди толиб келиб вафот этса, “поқбоз” ошиқлар унинг мотам маросимида кўп йиғи-сиги қилишлари муносиб иш эмас. Шу сабабли фироқ жунунлиги уларни четлаб ўтиши ошиқнинг ҳам мақсади. Зеро, ҳар ошиқнинг ўз мавқеи, даражаси ва холи бор.

Инглизча таржимаси:

*Though I alone have dead of love, let not any other who is  
in love,  
While he remains faithful, believe himself redeemed by  
mourning my end.*

(Сўзма-сўз таржима:

*Мен севгимдан ёлғиз ўзим ўлган бўлсам-да, бошиқа  
ошиқлар бу ҳолга тушмасинлар.*

*Токи у тақводор экан, менинг азам (бадали)дан ўзига  
ишончи ортсин.)*

Аслиятда ошиқлар менинг мотамимда аза тутиб ох чекмасин дейил-са, таржимон ўз тилида менинг ўлимим бадали ошиқнинг севгисига садокатини янада оширсин деб таржима қилади. Бунга таржимоннинг гарбча қадрият тушунчалар руҳида камол топгани сабаб бўлган. Чунки Европа адабиётида жангда енгилган ошиқнинг мағлубияти, рақибининг мотамида навҳа тортиб маъзур бўлишини эмас, масрурликда ғалаба нишонасини суришини таъминлайди. Шу сабаб шарқона чин ошиқлик эътиқодини англаш, инглиз китобхонида мушкуллик туғдиради. Чунки, гарбликлар тафаккурида рақиб ўлими ғалаба нашидаси билан қўшилиб кетган. Бинобарин улар, Навоий сиймосидаги ўлимидан сўнг рақибига меҳрибончилик



килаётган лирик қаҳрамон истакларини тушунишга ожизлар. Бу ўринда таржимоннинг тугган ечими маъқул. Яъни агар ошиқ ўлса, ошиқларнинг севгига бўлган садоқатлари ошсиқ, улар чекаётган гам-ситамларни биргина ошиқнинг ўлими бадали ювиб кетсин. Таржимадан англашилаётган мазмун, Навоий илгари сураётган фалсафий маънога анча яқин. Энг асосийси китобхонда тушунмовчилик тугдирмайди.

Ҳижрондаги савдойи ошиқнинг бу хил истак ва ниятлари, Тангрига илтижолари уни тинглаганларни безътибор қолдирмайди. Ҳайрат, ачиниш ва пушаймонликни туюётган яқинлари унинг сархушу беҳушликни тезроқ тарқатишини исташади, турли ўғит ва насихатлар орқали ақл мезони билан иш кўришга чақиришади:

*Наво ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,  
Бизни бузди, ҳаргиз ул, ё Рабқи, маъмур ўлмасун.*

Бирок ҳар қандай маслаҳат амалда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолди. Ошиқ кўнглини кўтармоқчи бўлганлар, уни олдингидек соғлом ҳолда кўришни истаганлар энди мақсадларига эришолмайдилар, уни яна тиклашга уринмоқчи бўлганлар қаттиқ янглишадилар. Чунки, унинг кўнгил уйи батамом бузилиб бўлган. Қолаверса, ошиқнинг ўзи унинг тикланишини сира истамайди.

Инглизча таржимаси:

*O Friend, do not aspire to build in my heart with your  
preaching,  
My love has turned my heart in to a ruin and it,  
God willing, will never again obey her orders.*

(Сўзма-сўз:

*О дўстим, ўз панду насиҳатинг билан қўнғил уйимни  
тузатишига уринма,  
Менинг севгим юрагимни вайронага айлантирган ва у,  
Худо хоҳласа ҳеч қачон унинг буйруқларини  
бажармайди.)*

Аслиятдаги икки мисра, яъни бир байт таржимада уч мисрага айланиб кетган, чунки таржимон мазмунни беришга ҳаракат қилиб, астойдил машаққат билан қайта тиклагани учун оҳанг ва ритм бузилиб кетган. Аслиятда ошиқ ёрдан гиналаниб, рафikka унинг қўнғилини вайронага айлантирган ёрнинг рўшнолик кўрмаслигини тилашини айтмоқда, аммо таржимадан бундай маъно англашилмайди. Шунингдек, “ё Рабки” мурожаати “эй худо” деб эмас, God willing “худо хоҳласа” деб таржима қилинган. Бу эса илоҳий қаҳрамоннинг рухий ҳолатини бутунлай ногўри талкин қилишга олиб келади. Бу байтни қуйидагича таржима қилса, аслиятга яқин маъно ҳосил бўлиши мумкин:

*O Friend, do not aspire to build in my heart with your  
preaching,  
O Lord, let her also will not live in joy, breaking the loops  
of my heart.*

Сўзма-сўз:

*О дўстим, ўз насиҳатларинг билан юрагимни  
тиклашига ҳаракат қилма,  
О Тангрим, юрагим чокларини узган у ҳам рўшнолик  
кўрмай яшасин.*

Ошиқ ўз ишқий кечинмалари гирдобидан бир муддат четга чиқиб, ёр томондан хабар олади ва қизик ҳолга дуч келади: ёр кечаларини майхўрлик билан ўтказар экан. Пароканда ва ошуфта хаёлларини йиғиб олган ошиқ ўзи билан содир бўлаётган ҳолатдан ёрини вокиф қилмоқчи,



кўринишида берилган. Ошиқ бу ҳақиқат ё рослигини билмайди, у эшитганларини таҳлил қилиб, ўқиб-ўрганишга кодир ҳолатда эмас. Шу сабаб у тонги шамолга мурожатан ёрига ҳоли абғори ҳақида дарак беришини айтиб зорланиб юзланмоқда. Бу ўринда таржимада: They said – айтишларича – деб берилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ошиқнинг ҳижрондаги азоблари ўз интиҳосини топди. Интилишлари самараси ўларок, ёр васлига эришиди. Бирок ошиқ наздидаги улкан давлат, яъни ёр васли завқу шавқи уни мағрур қилмаслиги лозим, ҳар қандай кибр, талғайиш ошиқни не азоблар ила эришилган бахтдан мосуво қилиши мумкин:

*Ёр васлига қувондим, қовди кўйишин мени,  
Эй Навоий, ҳеч киши оавлатқа мағрур ўлмасун.*

Инглизча таржимаси:

*The thought of seeing her gave me joy but she  
dismissed me,  
O Navoiy, let no man boast of his attainments.*

*Уни кўрмоқ истаги менга ҳузур бахш этди, аммо у  
мени рад этган,  
О Навоий, ҳеч ким ўз эришганларидан  
мағрурланмасин.*

Бу байт таржимаси ҳам инглиз тилида аниқ ифода этилган.

Аввалги таҳлилларимизда кузатганимиз: байтнинг ботиний маъносини тушуна олмаслик, образлар адекватлиги ва юксак услубнинг бузилиши каби ҳолатлар бу ғазал таржимасида камрок. Сабаби, ғазалда дунёвий ишк қуйланмоқда. Аммо, Навоий ғазалларини инглиз тилида қайта яратишда кўзга ташланаётган энг катта муаммо вазн, қофия ва радифнинг бузилиб кетаётганидир. Таржимонлар

шарқона классик оҳангги чет тилида қайта яратишда ҳамон маълум бир ечим ёхуд аниқ бир амалдан фойдаланиб иш кўрмаётганлигидир. Модомики, чет тилларидан таржима қилишда шеърнинг жанр хусусиятларидан келиб чиқиб, блюзни блюз, сонетни сонет, ҳайкуни ҳайку қилиб таржима қилар эканмиз, нега мумтоз ғазалиётимиз таржимасини шунчаки, кўл учида ўгириш керак?!

Мазкур ғазалнинг таҳлил учун танлангани бежиз эмас. Асарнинг хазрат Алишер Навоий мухлислари наздида инҳоятда севилиб ўқилиши, хофизлар томонидан марок билан ижро этилиши ҳам бунинг сабаблардан бири сифатида келтирилиши мумкин. Яна бир жиҳат деб, асарда адибнинг соф дунёвий мухаббати билан боғлиқ бошдан ўтказган ҳислари, айрилиқдаги изтироблари, висол кайфиятлари жуда тиниқ ва бадиий мукамал тарзда тасвирланган. Унда шоирнинг ҳаётида алоҳида ўрин тутган ва кўнглида ишқий ҳисларни уйғотган севикли инсоннинг хотираси намоён бўлган. Тўғри, бунда, албатта, аллома адибнинг фалсафий дунёқараши, олам, одам, яратувчи билан боғлиқ фикрлари ҳам мужассам. Умуман олганда, шоирнинг бирор асарида: хоҳ у шеър бўлсин, хоҳ дoston, ундаги моҳият юзаки тасвир билан чекланиб қолинмайди, айниқса, ишқ билан боғлиқ масалаларда. Бирок, бу асарлар орасида дунёвий мухаббат тасвири бир мунча устун бўлган ва муҳим ўрин тутганлари ҳам борки, мазкур ғазал айнан шу сирага мансуб.

## ...САРВИ ГУЛАНДОНИМГА АЙТ

*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт,  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт.*

*Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам бадам,  
Базми айш ичра лабо-лаб бодшошомимга айт.*

*Ком талху бода захру амк рангин бўлганин  
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимга айт.*

*Шоми ҳижрон рӯзгоринг тиёра нечун қилди, деб  
Сўрмагил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимга айт.*

*Ул пари ҳажрида нангу номким тарк айладим,  
Кунгил отлиг ҳажр водийсида бадномимга айт.*

*Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,  
Шамъи раҳмат партиви етайму анжомимга айт.*

*Йўқ Навоий бедил ороми гам ичра, эй рафиқ,  
Ҳолини, зинҳорким, кўрсанг дилоромимга айт.*

### **Ғазалнинг инглизча таржимаси:**

*O breeze of dawn, go and describe my state to the one who is  
joy of my heart.  
Tell my beauty whose curls are black and whose face is  
tender as a flower.*

*My yearning for her ruby lips caused me infinite pain.  
Tell the one with whom I drank of the cup of joy about  
all this.*

*Tell my playful selfish darling whose every word is wisdom  
That my spirits are low and that the wine I drink is bitter and  
my tears have turned to blood.*

*Do not ask me why the night of parting has turned my life  
into darkness  
But recount all this to the night which will never end with the  
dawn.*

*Having preferred the love of this peri I have forgotten my  
name and all shame.  
Tell of this to that creature that shames me and is called my  
heart.*

*Ah fortune-teller. I was ever a rebel, now tell me  
Will the light of blessing shine on my end?*

*No. Navoiy, sadness destroys when one's sweetheart is gone,  
Describe my state to the heartless one who is the joy of  
my heart.*

*Эй насими субҳ, аҳволим билоромимга айм,  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айм.*

Ғазалнинг матласида Алишер Навоий тонгги шамолга мурожаат қилиб ёрга интилувчининг, яъни ўзининг ночор холи ҳақидаги хабарни кўнгилга ором берувчи, гулдек юзини қора ва шикангажаклар беркитиб турган, қадди чечакларга бурканган, гул ифорли, сарв дарахтидек тик ва позикқомат бўлган маҳбубасига етказишни истамоқда. Шамол жонсиз нарса, бироқ шеърнинг бадий кучини, таъсирини ошириш мақсадида шоир унга худди инсондек мурожаат қилмоқда. Навоий ўз шеърларида жонсиз нарсаларга ҳам инсон хусусиятларини кўчириб, уларга тирик мавжудотга муносабатда бўлгандек муомала

киладики, бундай санъат ташхис дейилади. Мазкур газалда маъшуқа васлига эришишдаги муаммолардан азобланаётган ошиқнинг холи ва унинг ёрини бу кўргуликлардан хабардор қилишга бўлган интилишлари аке эгиш билан бирга шоирнинг қадимги Ғарб ва Шарқ илми негизида ҳосил бўлган олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашлари ўз инъикосини топмоқда.

Байт шоирнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида “Сўз таърифида”ги дунёнинг яралишига оид фикрларига ҳамоҳангдир. Ҳар икки ҳолатда ҳам насим шунчаки оддий шамол эмас, у турли мўъжизалар ижодкори, хабарчиси. Достонда азалдан эсанг насим илоҳий амр (“Кун” – “Ярал”) мазмунида келтирилган, у сабабли борлик яралган, ишк, ошиқ ва маъшуқ каби тушунчалар пайдо бўлган.

Шеърда келтирилган насим айнан тошга эсанг У қоронғу тун тугаб, борлик ёришаётган файзли ва залворли дамларнинг элчиси, ошиқнинг мурожаати, хабарларини етказиш учун энг қулай восита.

Байтда кечанинг кундуз билан алмашиши, ёруғликнинг зулмат устидан ҳукм юргизиши, азалдан борликнинг яралиши ва унинг марказида ҳазрати инсоннинг тулган ўрни каби омукта қарашлар намоен бўлмоқда. Келтирилган ёрнинг зулфи, юзи, қадди каби тушунчалар ташбех мазмунида ҳам англашилдиб, “зулф” инсоннинг максадига, яъни илоҳий асрорга эришишдаги парда, тўсиқ вазифасини англатади. Чунки у ёр юзини, шунингдек, ошиқ тақдирини белгилайдиган сўзлар, илоҳий қалом манбаи, Кавсар булоғи мазмунини ҳам англаувчи лабни яширади, ошиқ хаёлини чалғитади.

*O breeze of dawn, go and describe my state to the one who  
is joy of my heart.  
Tell my beauty whose curls are black and whose face is  
tender as a flower.*



(Сўзма-сўз таржимаси:

О тонгги шамол, бор ва менинг аҳволимни тасвирилаб бер, менинг юрагимга қувонч берувчига зулфлари қора ва юзи гулдек нозик гўзалимга айт.)

Биринчи мисра таржимасидаги breeze of dawn тонгги шаббодадан кучлироқ эквивалент бу – zephyr сабаби илохий насимга хос хусусиятлар айнан zephyr да мавжуд.

Бу сўзнинг замирида ёкимли шамол, майин шабода ва ҳаво мужассам. Мазкур сўз инглиз мумтоз адабиётида кўпроқ учрайди. Шу сабабдан “Бобурнома”нинг инглиз тилига Лейден-’Эрскин таржималарида – Бобур томонидан қўлланган насим, сабо каби сўзлар zephyr деб таржима қилинган. Таржимоннинг югути шундаки, шамолга жонли мавжудотдек мурожаат қилинишни инглизча таржимага кўчира олган.

Инглиз тилида тарчи байтнинг маъноси аниқ очиб берилса-да, шеърний санъатларни бериш масаласида бироз чалқашлик юзага келган.

Бу таржимада ташбих санъатини беришда икки хатоликка йўл қўйилган:

1. *Tell my beauty whose curls are black* – сочлари қора бўлган гўзалимга айт. Бу ташбих эмас, оддий сифатлаш, яъни, сочлари қора гўзалимга айт. Нега байтда Навоий сочи сунбул эмас, айнан зулфи сунбул демоқда? Зулфнинг тасаввуфий асрорлари мавжуд, аммо шоир яратаётган ҳолатни дунёвий нигоҳ билан тасаввур қиладиган бўлсак, эсаётган тонгги ёкимли насим махбубанинг сочларини тўзғийдиган даражада кучли эмас. У қора сунбулдек зулфларни майинг эркалаб, ошиқ қалб изтиробларини ёр кулоқларига етказиши мумкин. Шу сабабдан шоир шамолга айнан зулф ҳақида сўзламоқда. Бу ўринда сунбулга ўхшатишни инглиз тилидаги тўлқинга ўхшатиш wave билан алмаштирилганда, соч – hair ўрнида, curl – зулф, гажак

ишлатилганда мақсадга мувофиқ бўларди. Ташбиҳ жузвлари миқдори ҳам инглиз тилида қайта яратилар эди.

2. *whose face is tender as a flower.* – қисмидаги кимнингки, ва -дек сифат муқоясасини билдирувчи *as* сўзининг қўлланиши аслиятдаги ташбиҳи муяккадни ташбиҳи муфассалга айлантирмоқда. Маълумки, воситаи шабиҳ ва ваҳжи ташбиҳ тушиб қолган ташбиҳи муяккад ташбиҳи муфассалга қараганда ўхшатиш белгисининг кучлилиги билан ажралиб туради. Ташбиҳ жузвлари мувофиқлигини инглиз тилида қуйидагича қайта яратиш мумкин эди: *Tell my wavy black hair, tender flower face and cypress height beauty.* Сўзма-сўз таржимаси: Тўлқин сочли, гул юзли, сарв қоматли гўзалимга айт.

*Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,  
Базми айш ичра лабо-лаб бодаошомимга айт.*

Мазкур байтда ўхшатиш муболага санъатларидан усталик билан фойдаланилган. Лаъл – қирмиз рангли товланувчи тош. У айнан шу жиҳати билан кадр топган. Навоий уч байтда кет-кет ёр лабини лаълга ўхшатмоқда. Тарихдан маълумки, бундай қимматбаҳо тошлар кўплаб одамларнинг жонига зомин бўлган. Бу ҳолат унинг қизиллиги қон чақиритишга, тўкилишига сабаб сифатида талқин қилинган. Байтда тасвирланишича, ошиқ ёрнинг лаъл лаби иштиёқда ниҳоятда қийналган, бу азоблар оқибатида у сурункали равишда лабдек қизил қон ютиш азобига мубтало бўлган, бу ҳолатидан ёрни огоҳ қилиш зарур. Бироқ ёр ошиги билан иши йўқдек. У тунлари айш-ишрат базмида май қуйилган лиммо-лим қадахларни ичиш билан машғул.

*My yearning for her ruby lips caused me infinite pain,  
Tell the one with whom I drank of the cup of joy about  
all this.*

(Сўзма-сўз:

Унинг ёқут лабларини соғиниш мени чексиз огрикка дучор этди,

Ким билан қувонч қоса (пиёла)сидан ичган бўлсам,  
Ушанга ҳаммаси ҳақида айт.)

Кўриниб турганидек, иккинчи мисрадаги маъно аслиятга мувофиқ эмас. Яъни аслиятда илоҳий қаҳрамон – Навоий маъшуқаси васлига етмаган, унинг ҳажрида азоб чекиб турган бир ҳолатида, ёрнинг тунлари айш-ишрат базмида май қуйилган қадахларни ичиپ билан машғуллигидан гиналанса, таржимадаги илоҳий қаҳрамон қачонлардир маъшуқа билан бахт майини сиқкорганлигидан хабар бермоқда. Навоий ғазалларида илоҳий қаҳрамон асосан висол лаззатидан баҳраманд бўлмаган, ҳажр азобига гирифтор ошиқ сиймосида намоён бўлади. Таржимоннинг Навоий яратган ошиқ образи ҳақидаги тасавури бироз торлиги сабабли, байт маъносини тирайроқ англаб етмаган. Натижада таржима ҳам шунга яраша чиққан.

*Ком талху бода захру сик рангин бўлганин  
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худқомимга айт.*

Агар шеърда *талх*, *ширин* каби бир-бирига қарама-қарши маъноли сўзлар ишлатилса тазод санъати қўлланилган бўлади. Байтдаги бошқа сифатлар ҳам айнан антоним бўлиши шарт эмас, мазмунда зиддиятнинг мавжуд бўлиши ҳам бу санъатни ҳосил қилаверади.

Ошиқнинг рўзғори издан чиққан. Тотлик таъминни талх тутган. Ҳижрон азоби зўрайиб, одатий кўз ёшлар алвон май тусини олган. Бирок бу ҳолатдан ширин лабли, турфа ваъдалар бериб, сўнг улардан тонувчи, ўзига бино қўйган худбин ёр беҳабар деган ошиқ насимга унга бу ҳолни етказишни илтижо қилмоқда. Таржимада эса бадийий тасвир

бироз сийкалашиб, мен ичаётган шаробнинг аччиклигидан.  
кўз ёшим қонга айланди дейилади:

*Tell my playful selfish darling whose every word  
is wisdom  
That my spirits are low and that the wine I drink is bitter  
and my tears have turned to blood.*

(Сўзма-сўз:

Ҳар бир сўзи доно, фақат ўзини севувчи нағмақаш  
азизимга айт,

Рухим чўкиб кетди, мен ичаётган шароб аччиқ ва  
менинг кўз ёшларим қонга айланди.)

Шунингдек, оғзимни талх тутди маъносини берувчи  
ком талху умумлаштирилиб (генерализация) – рухим чўкиб  
кетди деб берилган. Назаримизда, таржимон сифатсиз  
тағлама билан ишлаган. Акс ҳолда шу ўринда маъно  
жиҳатдан муқобил эквивалент, инглиз адабиётида учровчи  
life turned sour – ҳаётим маъносиз (тахир)га айланди  
иборасини қўллаган бўлур эди. Бу ҳолатда инглиз тилида  
аслиятдаги тазод санъати ҳам қайта яратиларди. Шу байтни  
инглиз тилига қуйидагича ўгириш мумкин:

*Tell my playful selfish darling whose lips are sweet,  
That my life turned sour, and my tears to wine color  
how she did.*

Сўзма-сўз таржимаси:

*Менинг ўзини севувчи нағмақаш, лаблари ширин  
азизамга айт,  
У туфайли ҳаётим тахирга, кўзёшларим эса шароб  
рангига айланди.*

Ушбу таржимадаги sweet (ширин) ва sour (тахир) сўзлари аслиятдаги тазод санъатини қайта яратишга хизмат қилмоқда.

Бироқ ошиқнинг аҳволини англаган пасимнинг ўзи ҳам хайрону дол, ошиқнинг кундан кун ортиб бораётган азоблари шамолни ҳам ташвишга солмоқда:

*Шоми ҳижрон рӯзгоринг тийра нечун қилди, деб  
Сўрмагил мендин бу сўзни, сўбҳи йўқ шомимга айт.*

Шамолнинг безовталигиш англаган ошиқ унга ёруғ кунларнинг ўрнини қоронғулик эгаллаганининг сабабини сўрамаслиқни, агар зарурат топилса, бу масалада тонгини шомга айлаптирган ёрнинг ўзига мурожаат қилишни уқтирмоқда. Чунки ҳамма нарса унга боғлиқ, у истаган нарсагина бўлади. Сабаб ҳам, оқибат ҳам, вужуд ҳам, мавжуд ҳам, маъшук ҳам, ошиқ ҳам асли удир. Севувчини ўзи истади, ижод қилди, ишк ярадди, ошиқ қилди, маъшук бўлди. Ошиқнинг бошига не кўргуликни солишини фақат у билди. Шундай экан, ҳар нарсанинг сабабини унинг ижодкоридан сўрамоқ тўғридир.

Ошиқ энг дастлабки ҳолатига шукроналик қилмоқда, маҳбубаси висолидаги чоғлар унинг хаёлида энг ёркин хотиралар сифатида ўрин олган. Лекин нима сабаб бўлдики, у ёридан айрилди. Шундан шавк ўрнини азоблар, кун ўрнини гун эгаллади. Бунда ҳам ҳикмат бор. Муҳаббат завқини тўлик туймоқ, висолнинг қадрига етмоқ учун ошиқ фироқ ўтида куйиши, ҳижрондан қонли ёшлар тўкиши шарт. Навоийнинг бу қарашда оламнинг шунчаки ўз-ўзидан яралмаганлиги, диалектик ривожланишнинг ва ижтимоий ҳаётнинг бир бутунликда даврли ва тизимли тараққиётда экаплиги акс этмоқда. Борлиқ, ибтидо ва интиҳо нима, инсон қим қаби азалий саволларга Навоий мажозий тарзда жавоб топишга интилмоқда. Бироқ бу

саволларга энг тўғри жавобни Яратганнинг ўзи билади.  
Ахир у маҳзан ул асрор-ку.

*Do not ask me why the night of parting has turned my  
life into darkness  
But recount all this to the night which will never end  
with the dawn.*

(Сўзма-сўз:

*Нима учун айрилиқ туни хаётингни қоронғуликка  
айлантирди деб сурама,  
Лекин буни ҳеч қачон тонг билан тугамайдиган  
тунимга айт.)*

Мазкур байт инглиз тилида маъно жиҳатдан аслияга яқин таржима қилинган. Шоирнинг насимга мурожаати, ошиқнинг дардини субҳи йўқ шомга айтиш ҳақидаги илтижоси, инглиз тилида *night which will never end with the dawn* – ҳеч қачон тонг билан тугамайдиган тун тарзида чиройли ифодалаб берилган.

*Ул пари ҳажрида нанизу номким тарк айладим,  
Кўнглим отлиғ ҳажр водийсида бадномимга айт.*

Суюкли ёр ишқида ошиқ бор номусу номдан айрилди. Унинг кўнгли ҳижрон водийсига айланди. фирок ўтидан девона бўлган ошиқ оқибатда ёмон номга эга бўлди. Бундай кўйга тушганлигидан уни шунга мубтало қилганнинг хабари бормикан.

Навой назарида ошиқ нафакат Фарҳод каби ёр учун жажду жадал қилиб курашадиган, балки Мажнун сингари савдойи бўлиши, инсонлар назарида маломатларга қолиши, ақлдан озиб девоналарча рўзгор кечириш ҳолатини бошдан ўтказиши мумкин экан.

*Having preferred the love of this peri I have forgotten my  
name and all shame,  
Tell of this to that creature that shames me and is called  
my heart.*

(Сўзма-сўз:

*Ўша нарига бўлган омиқлигим туфайли мен ўз  
номимни ва бор уятни унутдим,  
Ўша менниг юрагим чақирган ва мени шарманда  
қилган мавжудотга айтинг.)*

Бу байт ҳам инглиз тилига аниқ ва бадийлиги сақланган ҳолда таржима қилинган. Аслиятдаги *nanгу номким* сўзлари орқали ҳосил қилинган аллитерация инглизча таржимадаги *name and all shame* сўзлари билан қайта яратилиб, аслиятга фонетик уйғунликни ҳосил қилган.

*Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,  
Шамъи раҳмат партави етқайму анжомимга айт.*

Ошиқ мурожаат қилаётган насим оддий ел эмас. У муъжизавий қудратга эга, каромат қилиш хислати унга ёт эмас. Ошиқ ва машука ўртасида элчи бўлган шамол ёрнинг асл ниятидан, ошиқ тақдирига муносабатидан хабардор. Қолаверса, унга бу хусусиятни машуканинг ўзи инъом этган. Бунда машуканинг маҳбубалиги аён бўлмоқда. Агар у ешигига дўст бўлмаса, насим кароматгўй бўлмас эди, балки елнинг ўзи ҳам бўлмас эди. Насимнинг мавжуд бўлиши ва муъжизавий қудрати уни ошиққа хизмат қилдириш нуктаи назаридан ижод қилинган.

Ошиқ ўз фаолиятини исён деб баҳолади. Ишқини кўнгилдагидек билмади. Гуноҳкор бўлди. Бироқ ҳар бир ҳолатда ҳам у ёр раҳматидан, висолда ваҳдатга эришни орзусидан умидвор. Бундан мосуво бўлиш нақд фалокат, ҳалокат. У яна ҳамдаму балогардони бўлган насмга мурожаат қилишдан ўзини тиймаяпти. Ёрини арзу холидан хабардор қилиб, энди қай миқдорда унинг раҳмати нурига эришини мумкинлиги билан қизикмоқда.

*Ah fortune-teller, I was ever a rebel, now tell me  
Will the light of blessing shine on my end?*

(Сўзма-сўз:

*О келажакни сўзловчи, мен ҳар доим тўнтарини  
қилиб юрар эдим, энди айт-чи,-  
Энди сўнгимда раҳмат нурлари ёритармикин?)*

Бу байт таржимасида ҳам аслиятдаги маъно тўлалиги яна сақланган. Насимга мурожаатнинг кулминацион нуқтаси инглиз тилида ипонарли қайта яратилган.

*Ўшқ Навоий бедил ороми гам ичра, эй рафиқ,  
Ҳолини, зинҳорким, кўрсанг дилоромимга айт.*

Ошиқ гамга мубтало бўлиб, оромини йўқотган. У яна бир марта насимга мурожаат қилиб, дилдан губорни кўтарувчи ёрни хабардор қилишни истамоқда.

Насим ошиқнинг дўсти, ҳамдарди, элчиси. У илохий сўз, у Жаброил, у Муҳаммад, у Исо, у Мусо, у Пир, у Кришна, у мугбача, у соқий, у борликни англашга қаратилган дунёвий билимлар мажмуидир. Навоий шеъриятидаги мазкур сиймо ва тушунчаларнинг ҳар бирини



насим тимсолида талқин қилиш ва ҳар сафар янги ва турфа маънолар кашф қилиш мумкин. Бу эса Навоийнинг буюк даҳолигидан далолат беради.

*No, Navoiy, sadness destroys when one's sweetheart  
is gone,  
Describe my state to the heartless one who is the joy of  
my heart.*

(Сўзма-сўз:

*Пуқ, Навоий ёри кетиб қолгани гамадо қилади,  
Менинг аҳволимни юрагимнинг қувончи бўлган  
юраксизга тасвирлаб бергин.)*

Ўзгириб каратадиган бўлсак, силсилавий таркиб топган мазкур ғазалда шоир ҳар бир мисрада насимга ўз аҳволидан сўзлайди. Мақгада эса, рафик холини кўрса ёрга тасвирлаш кераклигини айтади. Яъни умуман бу ҳолатга тушган ҳар қандай инсонни ҳам гамадо қилишини таъкидлайди. Таржимада бу ўринда *my state* менинг аҳволим ишлатилган. Шу ўринда *my* эмас балки, *his* оллоши ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*No, Navoiy, sadness destroys when one's sweetheart  
is gone,  
Describe his state to the heartless one who is the joy of  
my heart.*

Алишер Навоий ғазаллари маъно ва сўз жилоси асосига тузилган ҳикмат шодаларидир. Бой маъно ва бадний завқни тирай тушуна биллиш, ҳазм қилиш бироз мушкул. Аммо уни туйган киши ўзида мислсиз завқ ва шоир закосига эҳтиром хиссини туйди. Навоий асарларини

чет тилларига таржима қилишдан мақсад эса Ғарб китобхонида ана шу ҳиссиётни уйғога билишдир. Кўриб турганимиздек, сўзлар жиғиси ва ифода услубини юзага келтирувчи мумтоз шеърий санъатлар Ғарб таржимони учун бироз қийинлик қилмоқда. Навоий асарларини чет тилига ўгиришдан аввал дастлаб мумтоз шеърий санъатларимиз қонуниятларини инглиз тилига таржима қилиш бу ишда самарали натижа бериши мумкин. Интернет энциклопедик тармоқларида Ғарб шеъриятида кен қўлланувчи санъатлар, қофия турлари ҳақида батафсил маълумот берилган. Аммо, Шарқ адабиётидан таржимага чўлланган ғарблик таржимонлар учун бундай қулайлик йўқ. Бироқ, таржимонларнинг бу ишга бўлган журъатлари ҳурматга лойиқ. Ҳазрат Навоийнинг руҳлари барчамизга мададкор бўлсин.

## МУСИҚИЙЛИК – ҒАЗАЛ ШАРТИ

Шеър руҳини таржимада акс эггириш, биринчи навбатда, аслият оҳангини адекват ифодалаш билан боғлиқ. Оҳанг, маълумки, ритм орқали юзага чиқади. Ритм адекватлиги эса, таржимачилик ишидаги энг мураккаб жараёндр. Силлабо-тоник системада ёзилган инглиз шеърларини бармоқ вазнида қайта яратиш муаммолари ўзбек таржимашунослигида бир қадар ўрганилган. Таржимашунос М.Бақоевнинг таъкидлашича, инглиззабон халқлар шеърлятидаги силлабо-тоник системанинг асосий белгиси сўз урғусининг кўчувчанлиги, сўзнинг фақат маълум бўлагига тушиши муҳим эмаслигидан иборатдир. Инглиз силлабик ва ўзбек шеърлятидаги бармоқ вазни бир маънога эга бўлса-да, ритмикаси орасида катта фарқ бор. Бу ўзбек ва инглиз фонетикаси билан боғлиқ бўлиб, ўзбек тилида урғунинг нисбий мунтазамлиги, инглиз тилида сўз урғуси кўчувчан бўлгани сабабли силлабик тизимдаги шеърлар мисраларида урғулар ва пауза ўзбек тилидагидек тарғибга буйсунмайди. Шу боис инглиз ҳамда ўзбек бугун тизимларидаги шеърлар ритми ва таъсири ўзаро мутаносиб эмас, таржимада бу тизимлар бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Олиманинг фикрича, инглиз классик ритмини ўзбекча таржимада ҳамма вақт ҳам қайта яратиш мумкин эмас. Айниқса, икки бўғинли стопалар (ямб, хорей) ва уч бўғинли стопалар (анапест, амфибрахий, дактиль) дан ташкил топган вазнларнинг ичкв фарқини, яъни ямб ва хорей ёки анапест, амфибрахий ва дактиль мисралари ритми орасидаги фарқни ўзбек тилида қайта тиклаш қийин. Шундай бўлса-да, унга яқин оҳангни яратиш мумкин<sup>24</sup>. Демак, инглиз силлабо-тоник тизими ва ўзбек бармоқ вазни орасидаги умумий шаклий мутаносибликни топиш

<sup>24</sup> Бақоева М. Англия ва АҚШ адабиетидаги ўзбек тилига шеърлий таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари: филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2004. – Б. 131.

инглизча ритми ўзбекча таржимада қайта тиклаш имкониятини туғдиради. Олима ўз ишида мазкур шаклий ва вазифавий мутаносибликларни жадвал асосида кўрсатиб беради<sup>25</sup>. Аммо ўзбек мумтоз шеърини намуналарини инглиз тилига қандай таржима қилиш мумкин? Арузда ёзилган ғазал инглиз силлабо-тоник шеърининг системасидаги бирор бир вазнда таржима қилинса, ўзининг муסיкийлиги ва таъсирчанлигини йўқотали. Сабаби, ҳижолаҳнинг чўзиқ-қисқалиги асосида шаклантирилган арузий руқн инглиз стопасига умуман мос келмайди. Унда Навоийнинг буюк сўз санъаткори эканлигини инглиззабон халқларга кўрсатиш ва асарларининг инглиз китобхона томонидан севиб ўқилишига қандай эришиш мумкин? Навоий ғазалиётини арузсиз тасаввур қилиш, муסיкийликдан холи таржимасини инглизларга тақдим этиш кутилган натижани бермайди. Л.Кметюк томонидан амалга оширилган *Кеча келгумдир дебон ул сарви элдрў келмади* мисраси билан бошланувчи ғазал таржимасида формал жиҳатларга эътибор қаратилган бўлса-да, оҳангга аҳамият берилмаган. Эркин шеърга айланган ғазал ўзининг жозибасини йўқотган. Ушбу, “Келмади” радифли ғазалнинг инглизча таржимасида *did not come*, яъни *келмади* феъли ўтган замон инкор формасининг такрорланиб келиши натижасида радиф қайта яратилган:

*Though she had promised, that night my willowy beauty*  
*did not come.*  
*That night, till the very dawn, sleep did not come.*  
*My suffering drove me to scan the road again and again,*  
*But though my heart was about to break, the frolicsome*  
*one did not come.*

Кўришиб турибдики, инглизча таржимада радифдан олдин келувчи қофиядош сўзнинг ўзи йўқ. Ғазалдаги

<sup>25</sup> Бақоева М. Кўрсатилган манба – Б. 230.

музикийликни таъминловчи узун-қисқа бўғинлар нисбатига риоя қилинмагани сабабли оҳанг таржимага кўчмаган.

Назмий оҳанг, ғазалнинг ички музикаси айнан шу композициянинг асосини ташкил этишини ҳамда уни маълум кофия ва вазнесиз таржима қилиш мумкин эмаслигини хорижлик таржимонлар онгига сингдириш ғазал таржимасига бир оз масъулият билан ёндашишларига олиб келиши мумкин. Европа сонетларининг катъий шакли уларни таржима қилувчилар учун асос бўлган ва шунинг натижасида чет тилларига таржима қилинган сонетлар ўз вазни ва кофияланишига эга. Албатта, ғазаллар бу жанрдан фарқли ўлароқ, турли шароитда ўсиб-ўзгариб борувчи хусусиятга эга. Аммо унинг ўзгармас шаклий хусусиятлари борки, чет тили, хусусан, инглиз тилига мазкур қонуниятларга риоя қилган ҳолда таржима қилиниши инглиз мутаржимлари учун ғазал жанрини тўғри тушунишга ёрдам беради. Аруз вазни инглиз халқига батамом бегона оҳангга эга бўлгани туфайли охириги даврларгача бундай шеърни инглизтилли халқлар қабул қилмайди, деган фикр мавжуд эди. Бирок бугунги даврда инглиз тилида яратилган ғазалларнинг пайдо бўлаётгани туркий адабиётни тарғиб этишга яхши замин тайёрламоқда. Америка ғазалнавис шоирлари ижодини ўрганиш шуни кўрсатадики, инглизча ғазалларда жанрий талабларга структурал жиҳатдан тўлиқ амал қилинади: кофия ва радиф, бўғинлар миқдори, таҳаллус қайди ва энг асосийси, лирик оҳанг таъминланади. Буни Диана Аверил қаламига мансуб ғазалда ҳам кўриш мумкин:

### *Sleep of Leaves*

*In fall woods-water, a woman tastes sleep of leaves  
Father's green death –eyed closed in a waste: sleep of  
leaves.*

*Like, the red-gold of maples swims in wet grass.  
She wishes fish would not be in haste: sleep of leaves.*

*Her baby's sweat smells of milk: rain clings to the fern.  
Nursing, baby curves into the chaste sleep of leaves.*

*Seed-winds play with her baby's dandelion  
Seed-play can't reach her father's hair encased sleep of  
leaves.*

*Absorbed in poems, her baby's cry pulls her out.  
Diane can't live long in the laced sleep of leaves.<sup>26</sup>*

Ғазалда арузнинг катъий қоидаларига риоя қилинмаган бўлса-да, арузий оҳанг таъминланган. Инглиз ғазалларининг барчасида шу ҳолатни кўриш мумкин. Демак, бундан хулоса қилса бўладики, инглиз тилидаги жумла тузилиши ва грамматик қурилушларнинг аруз қоидаларига бўйсунмаслиги туфайли аруз вазини инглиз тилида тўлиқ қайта яратиб мумкин эмас. Аммо арузий оҳангни таъминлаш мумкин. Таржимон Л.Кметюкнинг навбатдаги таржимасида арузий оҳангни беришга бўлган кучли интилишни кўриш мумкин:

Ғазал<sup>27</sup>:

*Кўргали ҳуснуни зору муотало бўлдум санго,  
Не бадолиғ кун эдиким ошно бўлдум санго,  
Ҳар неча дедимки, кун-кундан узай сендин кунгил,  
Ваҳки, кун-кундин батаррак муотало бўлдум санго.*

Ҳазрат Навоийнинг "...бўлдим санго" радифили ушбу ғазалидан парча арузнинг рамал баҳрида ёзилган бўлиб, уни ўз руқни (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун)

<sup>26</sup> Ravishing disunities. Edited by Agha Shahid Ali. Real English Ghazals. – New England Hanover and London :Wesleyan University Press, 2000. – P 20

<sup>27</sup> Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ 20 томлик – Тошкент: Фан, 1988  
Т 3 – Б. 37

бўйича ўқилганда, ғазалдаги ҳижолаарнинг чўзиқ-кискалиги аниқ эшитилади.

Таржима:

*Dreaming of your beauty has wasted me away.*

*What an unfortunate day that was when I fell in love  
with you.*

*How many times, day in day out, did I tell myself to  
forget you.*

*But alas, from day to day ever more and more I love you.*

Л.Кметюк мазкур ғазални инглиз тилига таржима қилар экан, дастлаб арузий охангни ярагинга ҳаракат қилган. Ғазалнинг биринчи мисраси таржимасида бунга эришган ҳам. Шартли равишда бу мисрани қуйидагича аруз ҳижолаарига ажратиш мумкин:

*Dreaming of your beauty| has wasted| me away.*

- V - - - V - - - V - - - V -

Инглизча *Dreaming* сўзидаги биринчи бўғиннинг чўзиқ ўқилиши, бу бўғиннинг арузда бир чўзиқ ва бир қиска (-v) ҳижога ажратиш имкониятини берган. Шунингдек *your* сўзидаги *r* ундоши ўқилмасдан *io* товушининг чўзиб ўқилиши, бу сўзни ҳам бир чўзиқ, бир қиска (-v) ҳижода ифодалаш имконини беради. *Beauty* сўзидаги *y* тактеънинг охирида келгани учун чўзиқ (-) ҳижода талаффуз этилиш имкониятини берган. Яна бир муҳим жиҳат, инглиз китобхонининг бу таржимани қандай интонацияда ўқишини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Агар китобхон табиий равишда бу таржимани инглиз силлабо-тоник системасига татбиқ этиб, урғули ва урғусиз бўғинларнинг алмашинувиға мувофиқ ритмга солиб ўқиса, ғазал охангни мутлақо ҳис этмайди. Чунки бир инглиз стопаси аруздаги рухн тактеъси сингари маълум урғули туруқдан кейинги

туроқгача бўлган бўғинларни ўз ичига олмайди, яъни бир стопада кетма-кет урғу олган бўғинлар учраши ҳам мумкин.

Демак, мисранинг арузга тушиши қолган мисраларда ҳам шундай муваффақиятга эришиш мумкин дегани эмас экан:

*What an unfor|tunate day that, was when I|fell in love| with you.*

- V - - - - V - - - - - V - - - - -

*How many ti|mes, day in day|out, did I tell myself| to forget you.*

- V - - - - V - - - - - V - - - - V - - - - - V - -

*But alas, from| day to day e|ver more and more I love you.*

- V- - - - V - V- - - - - - - - -

Кўриниб турибдики шеъринг вазндаги оҳанг, ритм ва кофияланиш бузилган. Бунга икки тил грамматик курилишидаги муайян фарқлар тўскичилик қилган. Таржимада аслиятда бўлмаган предлог, артикль, ёрдамчи ва модал феъллар ҳисобига ҳижола меъёрдан ортиб кетиши натижасида руқн бузилиши кузатилади. Масалан, *he* *балолас* тўрт ҳижоли бирикмаси таржимада *what an unfortunate* – беш бўғинли бирикмада таржима қилиниши мумкин. Ўзбек тилида учрамайдиган *an* – ноаник артикли, таржимада бигта ҳижо кўнайишига хизмат қилмоқда. Иккинчи ва учинчи мисраларда рамал баҳрининг умумий шакли ўзгарган, яъни, мазкур мисраларда тактеълар сони учдан ортик. Мисралардаги ҳижоларнинг борган сари ўсиб бориши монотонликни келтириб чиқарган. Шунингдек 2-3-4-мисраларнинг *you* ўта чўзик бўғин билан якунланганлиги, аслият ритмини ҳосил қилувчи а-а-а-б тарздаги кофияланишга путур етказган. Биринчи мисрада аруз шаклини қайта яратишга муваффақ бўлган Л.Кметюк кейинги



сатрларда оддий шеърый шаклини ҳам саклаб қололмаган ва таржимани free verse – эркин шеър тарзида давом эттирган. Инглиз тили фонетикаси ва гап қурилиши катъий шаклга эга бўлгани учун (М: шеърятда эга-кесимнинг ўрин алманишига йўл қўйилмаслиги, инглиз тилида феълларнинг to инфинитиви билан келиши каби ҳолатларга эга эканлиги) туркий поэзиядаги каби гап қурилишида эркинлик йўқлиги бу тилга қилинган таржиманинг арузга тушириш эҳтимолини чеклаб қўяди.

Аmmo, юкорида зикр этилганлардан маълум бўладики, арузий оҳангга яқинлашиш имконияти мавжуд. Бунда арузда талаб этиладиган очиқ ва ёпиқ хижолар ўртасида мутаносибликка роя килиш, тақтеъларнинг миқдорий нисбати узаро тенг бўлиши ва хижоларнинг мавжуд ружда белгилаб қўйилган хижолар сонига имкон қадар тенглашиши талаб этилиши лозим.

Бунини яхшироқ тасаввур қилиш учун, аввало, қуйида оҳанг жиҳатдан чўзиб ўқилувчи хижоларни шартли равишда урғу белгиси ( ' ) билан ажратиб кўрсатамиз:

*'Кўргали хус'нингни зору 'мубтало бўл'дум санго,  
'Не балолиг' кун эдиким 'ошно бўл'дум санго.  
'Ҳар неча де'димки, кун – кун'дан узий сен'дин кўнгиш,  
'Ваҳки, кун – кун'дин батаррак 'мубтало бўл'дум санго.*

Мазкур белгидан кейин турган бир хижо баландрок пардада талаффуз этилади. Масалан, 'кўргали сўзида – **кўр**, сен'дин – сўзидаги **дин** хижолари баланд оҳангда ўқилади. Шартли белги орқали ажратиб кўрсатилган хижолардан кейин келаётган бўғинга урғу тушиши ва чўзиқрок талаффуз қилиниши ғазал ритмини келтириб чиқаради. Бу ҳақда арузшунос олима Д.Юсупова шундай дейди: “Байтда нечта руж бўлса, шунча урғу бор. Тажриба шуни кўрсатадики арузий матнда урғу қисқа бўғиндан олдин келган чўзиқ бўғинга тушади. Аниқроғи, қисқа бўғиннинг

чап томонига жойлашади. чунки, қиска бўғиндан аввал келаётган бўғин бошқаларига нисбатан чўзикроқ талаффуз қилинади”<sup>28</sup>. Дикқат билан қаралса, руkning биринчи чўзик хижоси яъни **фо** га руkn ургуси тушаётганини кузатиш мумкин. Демак руkдаги ҳар биринчи хижо ургу олади. Кейинги уч хижо ургусиз. Ҳар бир янги ургу яши тактеъни бошлаб беради:

—V— | —V— | —V— | —V—

Энди баъзи услубий ўзгаргиришлар киритиб, Л.Кметюк таржимасини аслият ритмига яқин янги вариантини яратамиз:

*'Dreaming 'of } your 'beauty } 'has wasted } me away.  
 'What an un'for }tunate }day that } I fell in 'love } along  
 the way  
 How 'many } times } day in 'day out } I 'told myself to forget.  
 But alas the 'love I feel } is 'more than the word love }  
 can say.*

Арузий оҳанг, ритм ва қофияланишга маълум миқдорда мувофиқ тушган бу таржимада аслият оҳангини ифодалаш мақсадида баланд пардада ўқилувчи хижоларга шартли равишда ургу белгиси ва синтагмани илова қилдик. Таржимада бу каби йўл тутини Шарк шеърляти оҳангини Ғарб ўқувчисига етказишда яхши самара беради. Бармоқ вазидаги шеърларни инглиз силлабо-тоник системасида ифода этганда бу усулни қўллаш шарт эмас. Ғарчи инглиз фонетикаси қонун-қоидасига кўра предлог, ёрдамчи феъллар, ва ҳ.к.лар ургу олмаса-да, арузий мусиқий оҳанг таржимада оҳангни ифодалаш учун *'of* предлоги ва *'has* ёрдамчи феълга ургу қўйишини тақозо этади. Мисрадаги

<sup>28</sup> Юсупова Д. Алишер Навоий "Ҳамса" си да мазмун ва ритмининг бадийий уйғувлиги: Филол. фан номзоди дисс. – Тошкент, 2008 – Ъ 89

of предлогидан кейин келган синтагма ҳам шу мақсадда инглиз тили коидасидан мустасно равишда қўлланиши мумкин. Аммо аруздаги хос оҳангнинг мураккаблиги ва инглиз шеърини тизимидан кескин фаркланишининг ўзиёқ юқоридаги усулни қўллашни такозо этади. Зеро, инглиз китобхонида Шарқ газали мусиқийлигини ҳис қилиш қобилияти пайдо бўлишининг илк босқичларида бу тадбир ижобий натижа бериши мумкин. Таржимашунос Абдумурод Кўчибоев яқинда Францияда нашр этилган Алишер Навоийнинг 30 та сара газаллари таржимаси ва унга ипланган минатюралардан иборат мўъжазгина китобни Навоий даҳосини француз китобхонларига танитишдаги самарали қадам деб баҳолаганда тўла ҳақ эди. Аммо таржимон Муродхон Эргашев ишида бироз камчиликлар мавжуд эканлигини қуйидагича изоҳлайди:

“Ул пари пайкарким, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга,  
Кимки ҳайрони эмас, мен телбаю ҳайрон анга.

*Газал мағзини замонавий тилга чақсак, “Ул пари пайкарнинг гўзаллиги шу даражада беқиёски, у нафақат инсонларни, балки барча тирик мавжудотлар (инсу-жинслар)ни лол қолдириб қўяди. Кимки бу гўзалликдан лол (ҳайрон) қолмаса, мен уларга ҳайрон қолиб, телба даражасига тушиб қоламан”, – деган мазмунни англаймиз. Французча таржима:*

Sa beauty freeque

A surpris bien des hommes aussi bien que les djines

Et qui n'est pas surpris me surpred follement

*(Сўзма-сўз таржимаси: “Унинг парилардек гўзаллиги нафақат одамларни, жинларни ҳам лол қолдиради, Кимки ҳайрон қолмаса, мен уларга телбаларча ҳайрон қоламан”.)*

Французчада аслиятнинг асосий маъно-мазмунини сақланган, ammo мисралардаги бўгинларнинг турлитуманлиги, аруздаги ўзига хосликлар, шунингдек радифга эътибор берилмаганлиги таржимани аслиятдагидек жозибадор, оҳангдор жаранглашига олиб келмаган. Бу ўринда шакл ва мазмун бирлиги ҳақида гап кетаяптики, шеърини таржимада бу тамойилга катъий риоя қилиниши керак. Агар шаклни бузсак, мазмунга путур етади. Мазмун бузилмаслиги учун эса, аслият доирасида таржимала айрим бошқа сўзларни, турли экспрессив воситаларни қўниш лозим бўлади. Таржимон айнан мана шу йўл билан бориб ҳазил мазмунини, руҳини фаранг тилида аслиятга монанд қайта тиклашга уринган. Ammo аслиятда “жон анга-ҳайрон анга” радифли қофиялар орқали берилган оҳангдорлик таржимада ўз аксини топмай қолган”<sup>29</sup>.

Мазкур мақолага жавоб тариқасида ёзган мақоласида таржимон Муродхон Эргашев ўзбек ва француз тиллари турли оилаларга мансуб эканлигини инобатга олган ҳолда, Навоийнинг сўзига “хиёнат қилмаслик” учун ҳаракат қилганлигини таъкидлайди<sup>30</sup>. Шу мақсадда таржимон мисраларни иккига бўлиб вақфини енгиллаштиришни маъқул кўрганлигини айтади. Албатта, ҳар бир муаммонинг осон ечимини топиш маъқул йўл. Балки, инглиз тилига таржима қилишда ҳам шу усулни қўллаш мумкиндир. Ammo шарқона ҳазил жозибаси бўлган байтлардаги “шира” тушиб қолади. Таржимон ўзининг зиммасидаги масъулият ва қилаётган меҳнатини тарозига қўйиши керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Шарқ шеърини оҳангини инглиз, немис ёки француз тилида маромида етказиб бериш йўлини излаш лозим. Бунга эса жиддийроқ изланиш ва бу соҳадаги илмий

<sup>29</sup> Кучибоев А. Навоий ғазаллари француз тилида // Жаҳон адабиети – Тошкент, 2010, – № 2 – Б. 101

<sup>30</sup> Муродхон Эргашев. Икки мақолага бир жавоб // Ёшлик – Тошкент, 2011, – № 2 – Б. 52

тадқиқот натижалари асосида эришиш мумкин. Зеро, янгича шеърӣй оҳанг ҳар доим ўз оригиналлиги билан чет эл китобхонини жалб этиб келган. Бунга Шарк ғазалиётидан илхомланиб шарқона руҳ ва оҳангда ёзилган Ғётенинг немисча, Лорканинг испанча ғазаллари мисол бўла олади. Муродхон Эргашевнинг жавоб мақоласидаги кўйидаги фикрлари ўринли *"...ғазалларни француз тилига ўғиршида бизга қўлланма бўлиши мумкин бўладиган илмий тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги, суяниб иш қўришимиз мумкин бўлган манбаларнинг йўқлиги сабабли, биз ўз йўлимизни ўзимиз очиб олишимизга тўғри келди"*.

Дарвоқе, Навоийни чет тилларига таржима қилишни шонма-шонпарлик билан амалга ошириб бўлмайди. Бу борада кўп босқичли илмий изланишлар қилиниши, таржимонлар учун йўналиш бера оладиган амалий ва назарий тавсиялар ишлаб чиқилиши лозим. Шеърӣй таржиманинг дастлабки шарт аслиятга мувофиқ шакл танлашдан иборат. Унга мувофиқ тарзда вазн ёки мусқийликни таъминлаш кейинги шартдир. Вазн нотўғри танланса, маъно ҳар қанча тўғри берилмасин, бундай таржима муваффақиятли ҳисобланмайди. Чунки шакл ўзгариши билан шеърнинг ритми, оҳанги ўзгаради, бир эстетик воқелик бошқа эстетик воқеликка айланади, шунга мувофиқ унинг ўқувчига таъсир кучи ҳам ўзгача бўлади<sup>31</sup>.

---

<sup>31</sup> Очиллов У "Девони Фоний"нинг ўзбекча таржималари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011 № 1 – Б 9

## РУБОЙЛАРНИНГ ИНГЛИЗЧА ЖАРАНГИ

Навоний рубойларини инглиз тилига таржима қилиш ишлари ташаббускорларидан бири истеъдодли таржимон Қосим Маъмуровдир. Албатта, рубой шаклий хусусиятлари ва ички қофияланиши жихатидан газалдан фарқ қилиб, вазн қўлланиши жихатидан соддароқдир. Шу маънода Қосим Маъмуров унинг оҳангини таржимага аниқ кўчира олиш, туркий рубойлар жарангини инглизча янгратиш имкониятини топган.

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас.  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

Таржима:

*I love you more than my soul, oh, my dear,  
I love you more than all numbers, oh, my dear,  
Loving anything can not be more than that,  
I love you much more than that, oh, my dear.*

Рубойнинг инглизча жаранги ҳам айнан шарқона оҳангга эгаки, бундай шеърлар инглиз лирикасида учрамайди. Аммо мазкур рубойдаги “Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз” мисрасида шоир “сон” деганда айнан санок сонларни назарда тутмаган, балки “саналиши мумкин бўлган ҳар қандай мавжудотдан-да кучлироқ севаман” демоқчи. Бу эса чексизликни англатади. Шу ўринда таржимон сон сўзини содагина қилиб – numbers (рақамлар, сонлар) сўзи билан таржима қилиб жиддий хатога йўл қўйган:

*I love you more than all numbers, oh, my dear*

(Сўзма-сўз таржимаси:

*Мен сени ҳамма рақамлардан-да кўра кучлироқ севаман, азизим.)*

Инглиз тилида “ҳамма рақамлардан кўра кучли севмок” деган ибора йўқ. Бинобарин, чет тилида ўта жун чикқан бу иборани Навоий ҳам қўллаётгани йўқ. Агар таржимон “сондин” сўзининг байтдаги маъноси санаб адогига етиб бўлмас чексизлик эканлигини тушунганида инглиз тилида бу сўзни – infinity (чексизлик) деб берган бўлар эди.

Кўриб турганимиздек, бу сўзнинг 1-маъноси чексизлик, чегара билмас масофа, 2-маъноси жуда катта санокка эга бўлган реал ва мавҳум предметлар, катта санок сонлар. Баъзан араб рақамларини ҳам англатади: Arabic numeral, arithmetic progression, base, coefficient, common factor, common multiple, computation, constant, cube, cube root.

Демак, бу сўз айнан санаб бўлмайдиган чексизликни билдиради. Инглиз бадиий адабиётида мазкур байт таржимасига айнан мос келувчи: Love more than infinity – чексизликдан-да кўпроқ севмок деган ибораси мавжуд. Шу мисрани мутаржим:

*I love you more than infinity, oh, my dear,*

деб таржима қилганда эди, инглиз тилида аслиятнинг бор маъноси ва бадиийлиги тулиқ ифодалаб берилар эди.

Алишер Навоий рубойлари орасида кофиялар тўрт булакка бўлинган ҳолда яратилганлари ҳам бор. Дастлабки уч булакда бир хил кофияли сўзлар келтирилади. Шеърда бундай усул қўлланилганда ички кофия санъати ҳосил бўлади. Бунга қуйидаги рубой мисол бўлади:

*Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,  
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.  
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,  
Бир-бир не дейиш, бошдин-аёғинг яхши.*

Навий мазкур рубойсида тавзиъ санъатидан ҳам усталик билан фойдаланиб суюклининг “бошдин-аёғ” тузал кифасини мохирлик билан тасвирлаган.

Таржимаси:

*Your eyes and brows are good, eyelids are good,  
Your appearance and words are good, your lips  
are good,  
Your cheeks with marks are good, chins are good.  
Shall I name one by one, you are good from head  
to foot.*

Аслиятдаги отларнинг уюлиб келиши таржимага ҳам кўчган. Таржимон радифдан олдин келган кофиядош “қабоғинг, дудоғинг, сақоғинг, аёғинг” сўзларини инглиз тилида eyelids, lips, chins сўзлари билан бериб, тил имкониятидан келиб чиққан, натижада ўзаро оҳангдошлик ҳосил қилишга интиланган ва бунга эришган. Таржимада рубой оҳанги тўлиқ сақлаб қолинган ва инглизча бўёқдорликдан холи. Инглиз поэзиясида аруз бўлмаганидек, ўзбек шеъриятида ҳам ямб йўқ. Бундай қараганда, ямб билан аруз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бир-биридан йироқ бўлган икки шеърий система ва анъанани “омихта” қилишда таржимон журъат билан қалам сурган. У инглиз ямбига асл нусхадаги ихчамлик ва эмоционалликни сақлай оладиган, янги оҳанг берувчи радифли кофия киритган. Натижада қақдайдир учинчи – она тили ва бўлак тилдаги шеърий унсурлар омихтасидан иборат назмий муштараклик барпо этилган. Энг қизиги шундаки, аслиятдаги тавзиъ санъати таржимада қайта яратилган.



Алишер Навоий ёрни янада жозибалироқ тасвирлаш мақсадида ташбеҳ санъатидан ва унинг турларидан ҳам кенг фойдаланади:

*Дедим зақанинг тутуб, сақоғингни ўпай,  
Кўз-қошингга суртубон қабогингни ўпай,  
Гўлдек юзунг ислабон дудоғингни ўпай,  
Ўқ, ўқ, ўқ, агар десанг аёғингни ўпай.*

Алишер Навоий бу ташбеҳда “-дек” қўшимчасидан фойдаланиб ташбеҳи мутлак (аник ўхшатиш) хилини ҳосил қилмоқда. “Ўпай” радифли рубоий таржимасига ҳам оҳанг ва жарангдорлиги жиҳатидан шарқона услубнинг ғарбча жаранги, дея баҳо бериш мумкин.

Таржима:

*I said, holding by your chin your cheeks I kiss,  
Licking your eyes with eyelids your brows I kiss,  
Smelling your rosy cheeks your lips I kiss,  
If you say: No, No, No, your foot I kiss.*

Таржима шу даражада аниқ ва тушунарли чиққанки, инглизча матнданок Навоий оҳанги сезилиб туради. Ошиқнинг ёр лаби, ёноқлари, кўзу қошларидан ўпиш орзуси ва бу орзуга эришолмаса, яъни маънан баландда турган маъшука рухсат бермаса, ҳеч бўлмаса, оёғидан ўпиш ва ёр васлига етиш илоҳий ва мажозий ишк савдоси дардига малҳам бўлиши иккала матвда (аслият ва таржимада) бирдек тушунарли ва чиройли ифода этилган. Рубоийда қўлланган саволу жавоб санъати ҳам таржимада қайта ярагилган. Инглизча таржимага Навоий рубоийларининг оҳанги ва руҳиятининг кўчганлигига ва бу оҳанг таржимоннинг шуурига сингиб кетганидан таржимон бу қадар муваффақиятга эришган бўлиши мумкин.

Албатта, таржимада оҳанг муҳим. Узига хос жаранга эга лирик жанр чег эл китобхонида кўпроқ кизиқиш уйғотади. Қўшиқ мисолида айтадиган бўлсак, унинг матнидан кўра биринчи навбатда ёқимли оҳанги эътиборни тортади. Навоий ижодини инглиз тилига таржима қилишда маъно билан бир қаторда оҳанг биринчи ўринга қўйилиши зарур деб уйлаймиз. Кейинги рубойда ҳам Алишер Навоий ташбеҳнинг ташбеҳи мутлақ (аниқ ўхшатиш) хилини ҳосил қилмоқда:

*Фурбатда гариб шодумон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафқат меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,  
Булбўлга тикандек ошиён бўлмас эмиш.*

Таржимаси:

*A poor is said to be not happy in a strange land,  
People are said not to treat him friendly and kindly,  
Should there grows a red rose in the cage,  
Is said not to make a company like a prickle for a*

*nightingale*

Бу рубой таржимасида аслиятдаги маъно ва мазмун тўла сақлаб қолинган, ammo рубойнинг бетакрор оҳангини ҳосил қилувчи о товушли қофияланиш (шодумон, меҳрибон, ошиён каби) инглиз тилида қайта яратилмаган. Тил имкониятларидан келиб чиқиб, “бўлмас эмиш” радифи ҳам мисра охирида эмас, балки бошида “Is said not to” тарзида келтирилади. Натижада аслият оҳанги таржимада бироз сезилмай қолган. Ammo дидактик афористик рухият тулик сақланган.

Қачонки ўхшатиш фақат мушаббих ва мушаббихун бихдан ташкил топса, бундай усул ташбеҳи мукайяс деб аталади. Ташбеҳнинг бу тури Алишер Навоийнинг айрим рубойларида, айниқса, катта маҳораат билан қўлланган:

*Эй шарбати лаълинг оби ҳайвондин алаз,  
Ҳайвон суйини қуйки, чучук жондин алаз.  
Не жондин алаз, не оби ҳайвондин алаз,  
Ким ҳар неки йуқ ондин алаз, ондин алаз.*

Таржимаси:

*Oh, the juice of your lips is sweeter than alive water,  
Don't say alive water, it is sweeter than soul.  
Is not better than soul, better than alive water,  
If there is nothing better than that it is much dearest than  
alive water.*

Сўзма-сўз:

*Лабинг шарбати тириклик сувидан-да ширин,  
Тириклик суви эмас жондан-да ширин.  
Жондан эмас тириклик сувидан ширин,  
Агар ундан азизроқ бир нарса бўлмаса, тириклик  
сувидан азизроқ.*

“Чучук жон” – ибораси ширин жон маъносида қўлланмоқда, аммо жон – муқоясада тириклик суви, яъни “оби ҳайвон”дан ортиқроқ эканлиги айтилмоқда. Лекин шонир қилинаётган муқоясалар суюқлик, яъни “лаб шарбати” атрофида бораётганлиги учун жонни “чучук” деб атайдди. “Чучук” сувга нисбатан қўлланиладиган сифат, яъни ичса бўладиган сув, кейинчалик бу сўз “ширин сув” деб қўллаб келинган. Таржимон қўллаган “sweeter than soul” калбдан кўра ширинроқ ибораси инглиз бадиий тилида учрамади. Агар сувга нисбатан ишлатиладиган ва Навоий жонга нисбатан қўллаган “чучук” сўзининг инглизча маънодоши “pure” – тиник, шаффоф, тоза (сувга нисбатан) сўзи қўлланганда нур устига нур бўлур эди. Бинобарин, “pure than soul” – калбдан кўра тиникроқ, тозароқ ибораси инглиз шеърлятида учрайди:

*I represent a word that has no definition  
Authentic, genuine pure than a soul of a christian...*

Навойи газалиёти мисли бир уммон, бу уммонда дурни олиб чиқиш учун қағга маҳорат талаб этилади. Рубоийдаги “чучук” сувга нисбатан қўлланганми ёки жонгами – муаллиф даҳоси ағина аён. Аммо инглиз тилида “pure than a soul” ибораси қўлланганда мисралаги икки маънони ҳам очиб бера олади. Зулқофиятайн санъати Навоий шеърларида энг кўп қўлланган бадийий усуллардан ҳисобланади. Бунда шеър мисраларида жуфт оҳангдош сўзлар кофия бўлади. Шеър мисраларидаги сўзлар икки ёки ундан ортиқ маротаба такрорланиб келса тақрир санъатини ҳосил қилади. Агар байт мисраларида ёндош жуфт сўзлар такрорланиб келса, муқаррар бадийий санъати қўлланилган бўлади. Эътибор берилса, юқорида келтирилган барча рубоийларда келтириб ўтилаётган бадийий санъатлар ишлатилган.

*Is not better than soul, better than alive water,  
If there is nothing better than that it is much dearest  
than alive water.*

(Сўзма-сўз таржимаси:

*Жондан эмас, тириклик сувидан ширин,*

*Агар ундан азизроқ бир нарса бўлмаса, тириклик  
сувидан азизроқ.)*

Кўриб турганимиздек, шоир айтмоқчи бўлган лабинг шарбати олдида “жон нима”, “тириклик суви нима” деган кучли ҳис-ҳаяжонга йўғрилган ўз фикридан қайтиш санъати ўрнига, таржимада яна ортирма нисбат бериш кўзга яққол ташланмоқда.

Шу мисра қуйидагича таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди:

*No compare better or not than soul and alive water  
If there is the dearest its more better.*

Тириклик суви ёки жондан яхшироқ эканлигини муқояса қилиб бўлмайди.

Нимаки энг азиз бўлса, ўшандан-да азизроқ.

Алишер Навоий шеъриятида кўплаб бадий санъатлар қўлланган бўлиб, биз улардан айрим намуналарни келтирдик. Умуман олганда, Алишер Навоий мумтоз шеъриятнинг бадий маҳорат сирларини пухта эгаллаган шоир. Шу сабабли унинг шеъриятида турфа хил бадий санъатлар учрайдики, уларни кенгрок тадқиқ қилиш орқали шоир поэтикасига оид муайян хулосаларга келиш мумкин. Навоий рубойларида қўлланган бадий санъатлар палитрасини чет тилида бор рангида қайта яратиш мушкул. Аммо шоир қўллаган сўз ва ибораларнинг таржима тилида ўқишли ва жарангдор эквивалентларини топиб ўтирилишида таржимонлар масъулдирлар. Зеро, аслиятдаги пурмаъно сўз таржима тилида жўн, сохта бирикма кўринишини олиши ҳеч гап эмас. Бу каби камчиликларга йўл қўймаслик учун Навоий асарларидаги сўзларнинг икки тилли изоҳли луғатларини яратиш лозим кўринади.

Албатта, таржимада оҳанг муҳим. Ўзига хос жарангга эга лирик жанр чет эл китобхонида кўпроқ қизиқиш уйғотади. Кўшиқ мисолида айтадиган бўлсак, унинг матнидан кўра биринчи навбатда ёқимли оҳанги эътиборни тортади. Навоий ижодиётини инглиз тилига таржима қилишда маъно билан бир каторда оҳанг биринчи ўринга қўйилиши зарур деб ўйлаймиз.

## ХОТИМА ЎРНИДА

Навоий ғазаллари таржималарини кузатар эканмиз, мутаржимлар, асосан, шоирнинг фалсафий мазмундаги ботиний ва зоҳирий маънога эга мушоҳадаларини англаб етишга ожизлик қилаётганликларини, натижада Навоий дунёқарашининг ифодаси ўқувчига етиб бормаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Ғазаллар таржимасида бадий образлилик ва услубни сақлаб қолиш жараёнида шеър мисраси остида яширин фалсафани тушуниб таржима қилиш таржимондан муайян тайёргарлик ва тегишли билимларни талаб қилиши табиий.

Таржимонга аслиятдаги бадий санъатларни қайта яратиш жараёнида қуйидаги субъектив омилларнинг ҳалақит беришини кўрсатиш мумкин:

а) Шарқ бадий санъатлари мазмун-моҳиятидан етарли хабардор бўлмаслик;

б) тасаввуф ғояларини яширин ифодалаш усули ва воситалари услубиятини етарли идрок этмаслик;

в) Шарқ шеъриятида етакчи бўлган шакл ва маъно нисбатига қаттиқ риоя қилиш принципини назардан қочириш.

Шунингдек, қуйидаги объектив омилларни ҳам таъкидлаш ўринлидир:

а) таржима тили контрастивлиги жиҳатидан Шарқ бадий санъатларини қайта яратишга имкон бермаслиги;

б) борлиқни фалсафий-мистик тушуниш мезонларининг турли кутбларга мансублиги;

в) Шеър илми назарияси ва тизимининг кескин фарқланиши.

Инглиз мумтоз адабиётидан таржима қилганда, хусусан, сонетлар таржимасида унинг жанрий талабларига

катъий риоя қилинади. Туркий шеърят таржимасида ҳам шу йўлдан борилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини инглиз тилига таржима қилганда, жанрнинг формал жиҳатлари сақлаб қолиниши муҳим аҳамиятга эга.

Алишер Навоий асарлари классик услуби ва оҳангини бошқа тилда қайта яратиш учун ўша тилнинг Навоий замонасига параллел даврдаги архаик сўзлар луғатидан фойдаланиш самарали натижа беради. Масалан, Навоий ғазалиётини инглиз тилига ўгиришда, унга даврий жиҳатдан мувофиқ келувчи Шекспир асарлари лексикасидан фойдаланилса, юксак услуб, давр руҳияти таржимада ёрқинроқ ифода этилиши мумкин. Бундай тажриба “Фарход ва Ширин” достонини рус тилига таржима қилишда амалиётда қўлланган.

Шарқ мумтоз ғазаллари таржимасида оҳанг ва маъно яхлитлиги муҳим. Фақат маънони ёки биргина оҳангни қайта яратиш орқали Ғарб китобхонида эстетик завқ уйғотиб бўлмайди. Навоий ғазалиётининг асосини фалсафий мазмун, оҳанг ва юксак бадиий тасвир ташкил этар экан, бу учликни таржимада уйғун ифодалаш энг маъқул ечимдир.

Арузда ёзилган ғазал инглиз силлабо-тоник шеърый системасидаги бирор бир вазнда таржима қилинса ўзининг муסיқийлиги ва таъсирчанлигини йўқотади. Ғазалларнинг умумий ритми ва оҳангининг таржимада сақлаб қолиниши кўп жиҳатдан шу ғазалнинг аруз баҳридаги тактеълар миқдорига боғлиқ. Ғазал таржимасидаги оҳангни инглиз китобхони осон илғаб олиши учун таржиманинг арузий оҳангда ўқилиш тартиби транскрипция ва тонограммада илова қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Аруз вазни инглиз халкига мутлақо бегона оҳанг. Охирги даврларгача арузда ёзилган шеърни инглизтилли халқлар қабул қилмайди, деган фикр мавжуд эди. Бирок бугунги даврда инглиз тилида яратилган ғазалларнинг пайдо бўлаётгани туркий адабиётни тарғиб этишга яхши замин тайёрламоқда. Шундай экан, Навоий ғазаллари мазмунини таржимада яхлит акс эттириш учун, эркин шеър усули билан чекланмасдан имкон қадар ғазал оҳанги ва умумий ритминини таржимада сақлаб қолиш йўлларини тажриба қилиб кўришга ҳаракат қилсак тўғри бўлади.



## МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида.....	3
Ғазал таржимасида шакл ва мазмун муносабати.....	5
“Қизил, сориг, яшил” .....	9
Шам торини парижон қилиш йўли.....	17
“Қаро кузум ” жозибаси.....	21
“Ун саккиз минг олам” .....	39
“Ўлмасун”.....	49
“Сарви гуландомимга айг”.....	60
Муסיкийлик-ғазал шarti.....	73
Рубойларнинг инглизча жаранги.....	84
Хотима ўрнида.....	92

Навобахш байтлар жозибаси: рисола. / Тошкент, “BAYOZ”,  
2017. – 96 бет.

ISBN 978-9943-4644-7-6

УДК: 811.512.154  
КВК 83.3(5Ў)

**Шухрат Сирожидинов**  
**Гулноза Одилова**

# **НАВОБАХШ БАЙТЛАР ЖОЗИБАСИ**

Техник муҳаррир	Дилшод Хўрозбоев
Дизайнер	Баҳолир Тўхлиев
Саҳифаловчи	Бекзод Раҳматов

Нашриёт лицензияси: АТ №234, 11. 02. 2013.

Босишга рухсат этилди: 04.02.2016.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Times гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб нашриёти: 4. Шартли б.т: 6.

Адади 200 nusxa. Буюртма № 6.

“BAYOZ” нашриётида нашрга тайёрланди

“BAYOZ” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.  
100100, Тошкент. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

14.000c.



ISBN 978-9943-4644-7-6



9 789943 464476